БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 4 (7451)
6 ЯНВАРЬ
ЖУМА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб оламиз (1-нчи бет).

Сон-саноқсиз табриклар (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: С. Нишонбоев. — Оммaнинг ташаббусига бошчилик қилиш —партия ташкилотларининг асосий вазифаси (2-бет).

А. Ҳамдамов. — Хўжаободда кўкламга тайёрлик кечиктирилмоқда (3-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР нинг 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. — Ҳ. Зоҳидов. — Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар (3-нчи бет).

ЭНГ ЯХШИ ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР ТАЖРИБАСИДАН: Л. Эргашев. — «Қизил чегара» колхозининг деворий газетаси (3-нчи бет).

Қурия Меҳнат партияси Марказий Комитетининг пленумида Ким Ир Сен доклади (4-бет).

Булғор халқи социализм йўлидан олға бормоқда (4-нчи бет).

Большевизмнинг қудратли қуроли

Ленин—Сталин партияси меҳнаткашлар иши учун, социализм иши учун бирнеча ўн йиллар давомида фидокорона кураш олиб бориб, миллион-миллион ишчи ва деҳқонларнинг қизғин муҳаббати ва чексиз садоқатига сазовор бўлди. Совет халқи большевиклар партиясини ўз партияси деб, энг яқин ва қадрлон партия деб билади. У мазкур партиянинг мустаҳкамланишидан жонидили блан манфаатдордир. У ўз тақдирини ихтиёрий равишда мазкур партиянинг раҳбарлигига топширган.

Большевиклар партиясининг улуғ асосчилари ва доҳилари бўлган Ленин блан Сталин партиямизнинг кучи ва енгилмаслиги, большевистик раҳбарликнинг кучи ва енгилмаслиги — омма блан мустаҳкам алоқаладир, деб та'лим беролилар. Ўртоқ Сталин, агар партия ўзининг тор қобуғига ўралиб қолса, агар у оммадан ажралиб қолса, агар у бюрократизм майлларига тучор бўлиб қолса, ҳалокатга юз тутади, дейди.

Коммунистлар партияси вужудга келган дастлабки кунларданоқ ўз кадрларини ишчилар синфига, социализм ишига садоқат блан хизмат қилиш руҳида, юксак талабчанлик ва ўз камчиликлари ҳамда хатоларига муросасизлик блан қараш руҳида тарбиялаб, та'лим бериб келмоқда. Партиямиз ўз жароҳатларини ҳамда хатоларини сохта мамнуният пардаси блан ниқоблашга урунайтган II Интернационал партиялари ва ҳозирги ўнг социалистик партиялардан фарқли равишда ўз кадрларини, барча коммунистларни революцион танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида тарбиялайди.

«Сиёсий партиянинг ўз хатоларига муносабати, — дейди Ленин, — бу партиянинг жиддийлиги ва ўз синфи ҳамда меҳнаткашлар оммаси олдидаги мажбуриятларини амалда бажаришининг ғоят муҳим ва энг тўғри ўлчовларидан биридир. Жиддий партиянинг белгиси, унинг ўз олдидаги мажбуриятларини бажариши, синфни, сўнгра эса оммани тарбиялаш ва та'лим беришининг белгиси ўз хатосини очиқдан-очиқ э'тироф этишдир, бу хатоларнинг сабабларини очиб ташлашдир, бу хатони туғдирган вазиятни таҳлил этишдир, хатони тузатиш воситаларини диққат блан муҳокама қилишдир иборатдир».

Партиямиз ҳар доим большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни дадиллик блан кенг ривожлантириш йўлидан борди ва шу йўлдан бормоқда. Ўртоқ Сталин, биз ўз-ўзини танқидсиз олға томон ҳаракатлана олмаймиз, ўз-ўзини танқид биз учун сув блан ҳаводек зарур, большевизмнинг кучи асосан шундаки, у танқиддан қўрқмайди ва ўз камчиликларини танқид қилиб, янада олға томон ривожланиш учун бу танқиддан куч ва ғайрат олади, деб та'лим берди.

Ўртоқ Сталин 1928 йилдаёқ бундай деган эди: «Ўз-ўзини танқид шиорини янги шиор деб айтиб бўлмайди. У большевиклар партиясининг суяк-суягига сингиб кетгандир. У пролетариат диктатураси нозик усулининг суяк-суягига сингиб кетгандир. Мамлакатимиз пролетариат диктатураси мамлакати экан, диктатурага бир партия, коммунистлар партияси раҳбарлик қилайтган экан, у ҳокимиятни бошқаришда бошқа партиялар блан шериклик қилмас ва қилолмас экан, — бу қолда агар биз олға боришни истасак, ўз хатоларимизни ўзимиз топиб, ўзимиз тузатишимиз кераклиги равшан эмасми? Бу камчиликларни топиб тузатадиган бошқа партиялар йўқлиги равшан эмасми? Ўз-ўзини танқид блан олға қараб тараққий этдиручи энг жиддий кучлардан бири бўлиши лозимлиги равшан эмасми, ўртоқлар?».

Танқид ва ўз-ўзини танқид совет жамияти тараққиётининг ўртоқ Сталин генийси томонидан очилган махсус қонунияти ва ҳаракатлантиручи кучидир.

Партиямизда, мамлакатимизда большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни юқоридан пастгача ва пастдан юқоригача ғоят кенгайтириб юбориш учун, дадил ва принципиал танқид учун, юз-хотир қилмайдиган танқид учун барча шароитлар яратиб берилган. Партиялилар оммаси ўз раҳбарларини активларда, конференцияларда, с'езларда, уларнинг ҳисоботларини эшитиш йўли блан, улардаги камчиликларни танқид қилиш йўли блан, ниҳоят ма'лум раҳбар ўртоқларни раҳбарлик органларига сайлаш ёки сайламаслик йўли блан текшириб турадилар. Партиясизлар оммаси ўзларининг хўжалик, касаба союз ва бошқа раҳбарларини партиясизларнинг активларида, турли тусдаги оммавий кечгашларда текшириб турадилар. Бу активларда ва кенгашларда улар ўз раҳбарларининг ҳисоботларини эшитадилар, уларнинг камчиликларини танқид қиладилар ва бу камчиликларни тузатиш йўлларини кўрсатиб берадилар. Халқимиз ўз раҳбарларини меҳнаткашлар депутатлари Советларига яшириш овоз бериш йўли блан умумий, тўппа-тўғри ва тенг сайловлар даврида текширишлан ўтказиб турадилар.

Буларнинг ҳаммаси ишлаги хатолар ва камчиликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва тузатишга, миллион-миллион коммунизм қуручилар оммасининг ижодий ташаббусини уйғотишга, бутун ишимизнинг савиясини оғишмай юксак даражага кўтаришга, коммунизм томон ҳаракатланиб боришимизни тезлаштиришга имкон берали.

Коммунистлар партияси оммани ўз орқасидан эргаштириб бориб, миллион-миллион меҳнаткашларнинг активлигига суяниб, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида ажойиб муваффақиятлерга эришмоқда. Лекин эришилган муваффақиятлар ўз-ўзидан мамнун бўлиш кайфиятларнинг туғилишига ва ўз камчиликларига танқидий нуқтаи назардан муносабатда бўлмасликка қулайлик туғдиради. Ба'зибир партия, совет, хўжалик ва касаба союз раҳбарларида ўз-ўзига қалдан ташқари бино қўйиш, мақтанчоқлик, омма томонидан қилинадиган танқидга э'тиборсизлик блан қараш майллари кўринабошлайди.

Фактлар бирқанча ташкилотларда танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтириш ишига ҳали ҳам қониқарсиз қараб келинаётганлигидан далолат берали. Ба'зибир партия ташкилотларида ўз-ўзини танқидни кучайтириш ишига нотўғри қарайдилар, камчиликларни тўғри танқид қилган коммунистларни сторлича қўллаб-қувватламайдилар, бирқанча жойларда эса танқид қилган кишиларни та'қиб остига олишга ҳам йўл қўядилар. Меҳнаткашларнинг аризаларида ва хатлари кўпинча э'тиборсиз қолиб кетали ва улар текширилмайди, ба'зи жойларда эса ариза берган кишилар кеккайиб кетган бюрократлар томонидан та'қиб қилинали. Танқид ва ўз-ўзини танқидга нотўғри муносабатда бўлиш натижасида қисман жойларда партия, совет ва хўжалик ишларидаги камчиликлар большевикчасига танқид қилинмайди ва бу камчиликларни ўз вақтида тузатиш учун зарур тадбирлар кўрилмайди.

Большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш матбуотимиз катта роль ўйнаши керак. Лекин айрим партия комитетлари ўз газеталарига қонқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар, уларнинг ҳаққоний танқидларини қўллаб-қувватламаётирлар, ба'зан эса танқидий материалларни э'лон қилишни тақиқламоқдалар. Газеталарга ана шундай нотўғри муносабатда бўлиш камчиликларга қарши курашда партиямизнинг ғоят ўткир қуроли бўлган матбуотнинг аҳамиятини камситали ва ишимизга зарар келтирали.

Ба'зи раҳбар ҳодимларнинг ишларида раҳбарлик қилишнинг большевизмга ёт бўлган бюрократик методларига ҳали ҳам барҳам берилмаган. Бунлай ҳодимлар оммадан ажралиб қолиб, оммaнинг овозига қулоқ солишни истамай, ўзларини юқори тутадилар ва мақтанадилар, ўзларини гуноҳсиз кишилар деб ҳисоблайдилар, танқид қилучи кишиларнинг ҳарқандай танқидий мулоҳазаларидан нотўғри хулоса чиқарадилар. Бунлай ҳодимлар танқид қилучи кишиларни та'қиб қилишга уруниб, жуда кўп ва нотўғри лўқмалар ташлаб, уларнинг сўзларини бўлдилар. Бюрократлар танқид қилучилардан қутилиш учун уларни та'қиб остига олишнинг турли-туман ва ниқоблашган усулларини қўллайдилар: «штат қисқартириш» йўли блан «бесаранжом кишилардан» қутилиш учун ҳаракат қиладилар, ҳақли мукофотлар ва бошқа рағбатлантиришлардан маҳрум қиладилар, ўз ишида юқори кўтарилишига тўсқинлик қиладилар. Бюрократларнинг ана шу тарзлаги барча ҳийла-найранглари ғоят қаттиқ қораланмоғи лозим, чунки бу ҳийла-найранглар большевизм руҳига зиддир.

Ўртоқ Сталин ўз-ўзини танқидни бўғиш ва та'қиб остига олиш кайфиятларига қарши раҳмсиз кураш олиб бориш керак, деб та'лим берали. Ўз-ўзини танқидни та'қиб остига олиш, дейди Ўртоқ Сталин, партия ташкилотидаги ҳарқандай фаолиятни йўққа чиқариш, раҳбарларнинг партия оммаси олдидаги обрўсини ерга уриш, партия сафларини бузиш ва партия ташкилотларининг қадрини йўқотиш, партиянинг ашаддий душманларининг бу партияга қарши қаратилган кайфиятларини кучайтириш демакдир.

Ҳарбир коммунистнинг, ҳарбир совет кишисининг бурчи бюрократларни фош этиш, уларнинг анти-башараларини оммага яққол кўрсатиш, хато ва камчиликларни юз-хотир қилмай дадиллик блан танқид қилиш, қат'ият ва изчиллик блан принципиал йўл тутишлан иборатдир. Агар большевик ҳақли бўлса, агар унинг мулоҳазалари ва қатти-ҳаракатлари партиямизнинг ғояларига, чақириқларига, қарорларига, кўрсатмаларига мувофиқ келса, ҳечким ва ҳечнарса уни тўғри йўллан тойдира олмайди. Ҳарбир коммунистнинг, ҳарбир совет кишисининг бутун куч ва билимлари, бутун фикри-зикри ва иши умумий ишимизни яхшилашга, Улуғ Ватанимизнинг гуллаб яшнашига, коммунизм қурилишига қаратилиши лозим.

«Партия, большевиклар, мамлакатимиздаги барча виждонли ишчилар ва меҳнат аҳлари, — деб та'лим берали Ўртоқ Сталин, — ишимиздаги камчиликларни, қурилишимиздаги камчиликларни очиб ташласинлар, ишимизда ва бизнинг қурилишимизда турғунликка, ботқоққа ботиб қолишга, чиришга йўл қўймаслик учун, бутун ишимиз, бутун қурилишимиз кунданкунга яхшиланиб, янги-янги муваффақиятларга эришиши учун камчиликларни тугатиш йўлларини белгилаб олсинлар».

Улуғ доҳимиз ва устозимиз Ўртоқ Сталиннинг мазкур кўрсатмоларига амал қилайлик! Сталинлек яшайлик, курашайлик ва галаба қозонайлик!

(«ПРАВДА»нинг 5 январьдаги бошмақоласи).

Ўзбекистон ССР 25 йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб оламиз

Сталин номидаги Тошкент кўн заводининг стахановчиси коммунист А. И. Аҳмедшин Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги шарафига стахановча вахтада туриб, ҳар куни бир ярим-икки норма бажармоқда. Суратда: Ўртоқ Аҳмедшин навбатдаги топширикни ado этмоқда.

А. Ашкинезер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Китобдаги консерва заводининг стахановчи ишчилари Г. Садриддинова ва В. Тихоновалар юбилей олди социалистик мусобақасида фидокорона ишлаб, икки нормадан бажармоқдалар. Суратда: Садриддинова ва Тихонова ўртоқлар консерва тайёрламоқдалар.

В. Лейн фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати I-нчи тўқув фабрикасининг стахановчи тўқувчиси М. Дўстматова Ўзбекистон ССР 25 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашиб, ҳар куни икки-уч норма бажармоқда. Суратда: ўртоқ Дўстматова иш устида.

В. Лейн фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

БИР КЕЧА КУНДУЗДА 950 КИЛОМЕТР ЙЎЛ БОСИЛДИ

Тошкент темир йўли Урсатьевск бўлимининг машинистлари ва диспетчерлари Ўзбекистоннинг 25 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, поездларни тез сур'атлар блан юргизиш учун курашмоқдалар.

Яқинда бўлим диспетчерлари 2934 сонли эстафета поездини ташкил этдилар. Поезд бир кеча-кундузда 950 километр йўл босди. Бу—Тошкент темир йўлида ҳалигача кўрилмаган рекордидр.

Урсатьевск—Жиззах участкасида қатнаган поездни машинист Скоков ҳайдаб борди. Жиззахда поездни тепловоз машинистлари Андрюшенко ва Пауэжниковлар қабул қилиб олдилар. Диспетчер Ўртоқ Барсуков поездга «Яшил кўча» очиб берди. Диспетчер Ўртоқ Харченко эстафета поездининг тез ҳаракат қилишини та'минлади. Поездни тепловоз машинистлари Шаульский ва Фалеев Ўртоқлар ҳайлади. Улар поездни Самарқандан Зиёвудин станциясигача 2 соат 30 минутда олиб келдилар.

М. БУГКЕВИЧ.

БУХОРО САНОАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

БУХОРО, («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбиридан). Шаҳардаги саноат корхоналарининг деярли ҳаммаси ўтган йилнинг топширигини тўла ва ошириб ado этди. Ипак фабрикаси, пахта заводи, қорақўл тери ошлаш заводи коллективлари Ўзбекистон ССРнинг шонли 25 йиллигини меҳнат соҳасида катта галабалар блан нишонламоқдалар.

Ипак фабрикасининг ҳамма цехларида социалистик мусобақа ифодаларининг номлари Ҳурмат тахтасига ёзиб қўйилган. Унумли меҳнати, новаторлиги блан ном чиқарган Ях'ёева, Собирова ва бошқа жуда кўп ишчилар 2 январьдан бошлаб стахановча вахтада туриб ишлашга қарор қилдилар. Улар республикамизнинг 25 йиллик юбилейигача январь ойи топширигини бажариш мажбуриятини олдилар.

Кузги ер ҳайдаш плани бажарилди

АНДИЖОН, 5 январь («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Олтинкўл районидаги МТСнинг Ўртоқ Не'мат Эргашев бошлиқ 6-нчи трактор бригадаси республикамизнинг 25 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, 10 январьгача 150 гектар пахта ерини шудгор қилиш мажбуриятини олган эди.

Бригаданинг тракторчилари 5 январьгача 180 гектар ер ҳайдаб, планни ошириб бажардилар. Тракторчилар юбилей кунигача яна қўшимча ер ҳайдаш юзасидан янги мажбурият олдилар.

Пахта ерлари ҳайдаб қўйилди

ПАСТДАРҒОМ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган, ҳар гектар ерден ўрта ҳисобда 28 центнердан пахта берган Арабхона қишлоқ советидаги колхозларнинг а'золари республикамизнинг шонли юбилейини янги муваффақиятлар блан кутиб олмоқдалар.

Қишлоқ советидаги 5 колхознинг ҳаммасида пахта ерлари ғўзапоялан тўла тозаланди. Ғўзапояларнинг 95 процента машина блан йиғиштириб олинди. 777 гектар пахта ери трактор блан шудгор қилинди. Ўртоқ Иван Стеребл бошлиқ трактор бригаласи Карл Маркс номли, Фақир Турсунов бошлиқ бригала тракторчилари Тельман номли ва Калинин номли колхоз ерларини юқори сифатли қилиб чуқур ҳайдалилар. Бу бригадалар юбилей шарафига кузги ер ҳайдаш планини ошириб бажардилар.

Пастдарғом районида энг юқори ҳосил олган, я'ни ҳар гектар ерден 74 центнердан пахта берган Карл Маркс номли колхознинг Ўртоқ Ражаббой Эргашев, Тельман номли колхознинг Тоштемир Диянов бошлиқ звено а'золари ҳайдашдан олдин ерларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солдилар.

Барча колхозларда ариқ-зовурларни тозалаш иши яхши уюштириди. Колхозчиларнинг қишки агротехника ўқишлари бошланди.

Ғ. АШУРОВ.

Стахановча вахтада туриб ишламоқдалар

1949 йил планини муваффақият блан бажарган электрокабель заводининг коллективи, ҳозир Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги шарафига стахановча вахтада туриб ишламоқда.

Цехларда ишлабчиқариш процессини яхшилаш, технологияни мукаммаллаштириш, юқори меҳнат унумини беради ган янги усулларни жорий қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар заводда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўрта ҳисоб блан 20 процент ошириш имкониятини берали.

Заводда кўп станокда ишлаш ҳаракати кенг ёйилмоқда. Шу кунларда неча ўнлаб ишчилар икки-уч станокда ишлашга кўчдилар. Илғор ишчилардан Квиткина, Железняк, Шундрова Ўртоқлар ҳозир тўрттадан станокни бошқармоқдалар. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса оширдилар.

Завод коллективи нефть саноати учун янги хил кабель ишлаб чиқаришни муваффақият блан ўзлаштирди.

Ш. АЙРАПЕТЯНЦ.

ДЕКАБРЬ ОЙИДАГИДАН КЎП МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Сталин номли Тошкент кўн заводи коллективи сталинча бешйилликнинг тўртинчи йили планини ошиғи блан бажарди. Коллектив янги йилнинг дастлабки кунларида стахановча ишлаб, меҳнат унумини оширимоқда.

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги шарафига стахановча вахтада туриб ишлаётган тери қиручи Эргаш Солиқов, пардозловчи Тўлаган Миразизов, Раҳбар Каримова Ўртоқлар кунлик топширикни 150—170 процентдан бажармоқдалар. Цехлар ўртасидаги социалистик мусобақада пардозлаш цехи коллективи олдинда бормоқда.

Шу кунларда завод бўйича маҳсулот ишлабчиқариш декабрь ойидаги бир кеча кундузда ишлабчиқарилган маҳсулотга нисбатан 13 процент ортди. Завод коллективи юбилей шарафига январь ойи планини муддатидан олдин ошиғи блан бажариш учун курашмоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲАҚИДА ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

Фарғона область, Охунбобоев район, Ворошилов қишлоқ советидаги Пушкин номли 32-нчи мактаб коллективи республикамизнинг шонли юбилейига қизғин тайёрғарлик кўрмоқда.

Мактаб ўқитучилари шу қишлоқ советидаги «Намуна» колхозида «Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси», «Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ва Ўзбекистон ССР нинг ташкил этилиши», «Ўзбекистонда 25 йил ичида ўан ва маданият», «Ўзбек халқи Улуғ Ватан уруши йилларида» деган ва бошқа темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ўқитучилардан Зиёвудинов, Юнусов ва Басиров Ўртоқлар лекция ва суҳбатларни жуда қизиқарли ўтказмоқдалар.

ТУРСУНОВ.

Хоразм область, Хева район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллигига бағишлаб лекция ва суҳбатлар уюштирди.

Лектор Ўртоқ Абдуллаев шаҳардаги пахта тозалаш заводининг ишчи ва хизматчилари учун «Ўзбекистон ССР нинг ташкил бўлиши» деган темада лекция ўқиди. Бу лекцияга 300 дан ортиқ киши қатнашди.

Шунингдек, лекторлардан Ўртоқ Жабборов «Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг асосий пахта кони», Ўртоқ Машариков «Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши тўғрисида» деган темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказаётирлар. Район марказидан узоқда бўлган колхозларда лекциялар ўтказиш учун алоҳида агитмашина ажратилди.

А. БОБОЖОНОВ.

К. Марксниг „Сиёсий иқтисод танқидига доир" номли асари нашр этилди

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти К. Марксниг «Сиёсий иқтисод танқидига доир» номли китобини нашр этди.

Бу китоб мазкур асарнинг 1939 йилда босилган тексти бўйича чиқарилди. Бундан К. Марксниг биринчи марта Берлинда 1859 йилда нашр этилган «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарига ёзган «Муқаддима»си ва Ф. Энгельсниг «Карл Маркс. Сиёсий иқтисод танқидига доир» китобига ёзган тақризигина мустаснодир. «Муқаддима» блан тақризнинг тексти К. Маркс ва Ф. Энгельсниг «Икки томлик танланган асарлари»дан олинган. (1948 йилги нашри, I том).

Китоб 300 минг мусхада нашр этилган. (ТАСС).

В. И. Ленин Асарларининг ўн еттинчи томи украин тилида нашр этилди

КИЕВ, (ТАСС). Украина ССР Сиёсий адабиёт давлат нашриёти В. И. Ленин Асарларининг ўн еттинчи томини украин тилига таржима қилиб нашр этди.

Бу томни ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс — Энгельс — Ленин Институтининг Украина филиали рус тилидан таржима қилган.

Сталин мукофотлари белгиловчи комитетда

Сан'ат ва адабиёт соҳасида Сталин мукофотлари белгиловчи Комитетининг 4 январьда А. А. Фадеев раислигида навбатдаги ялпи мажлиси бўлди.

Пленум СССР Совет ёзучилари союзи бош секретарининг ўринбосари Н. С. Тихоновниг 1949 йилда Сталин мукофотига тақдим этилган поэзия асарлари ҳақидаги докладини муҳокама қилди.

СССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси А. М. Еголин сан'атшунослик ва адабий танқид соҳасидаги асарлар тўғрисида доклад қилди. (ТАСС).

САМАРҚАНД ОБЛАСТИНИНГ УРУҒЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ КУЗГИ ДОН ЭКИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

САМАРҚАНД, (ЎзТАГ). Самарқанд областининг район уруғчилик хўжаликлари кузги дон экиш планини бажардилар. Ҳамма ерга юқори нав'ли янги уруғлар экилди.

Галлаорол районидаги Ленин номли, Пастдарғом районидаги «Қурилиш», Жиззах районидаги Жданов номли уруғчилик колхозлари экишни агротехника қоидалари асосида ўтказдилар.

Областьнинг район уруғчилик хўжаликлари ҳозир баҳори дон экишга киришдилар.

Ўзбекистоннинг жанубида баҳори дон экинлари экила бошланди

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ). Янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг жанубида қўйли иссиқ кунлар бошланди. Сурхондар'ё областининг колхозлари қулай об-ҳаво шароитидан фойдаланиб, баҳори дон экинлари экишга киришдилар. Бойсун районида йирик галлакор колхоз ҳисобланган Юсупов номли ва «Ленин йўли» колхозлари биринчи бўлиб баҳори дон экишни бошлаб юбордилар.

Ҳозирги вақтда Бойсун, Шўрчи, Шеробод, Денов ва Сариосиё районларидаги кўпгина колхозлар баҳори дон экмоқдалар.

Вильямс номли колхознинг тортиғи

БУҚА, 5 январь. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Районда йирик пахтакор колхозлардан ҳисобланган Вильямс номли колхоз (раиси Ўртоқ Соли Ҳудойбердиев) ўтган йили пахта ҳосилини 1945 йилга нисбатан икки ярим марта оширди. Колхоз 600 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш планини 106 процент бажарди.

Янги ўзлаштирилган бўз ерларда айниқса пахта ҳосили мўл бўлди. Аҳмад Алимбеков бошлиқ бригаданинг ҳар гектар ерден олган ҳосили 45 центнердан ошиб кетди. Коммунист Ҳолбой Муродов, комсомол а'зоси Абдусаттор Бобобеков Ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг айниқса катта муваффақиятга эришди. Бу звеноларнинг ҳар гектардан олган ҳосили 58 центнердан ошади.

Колхозда Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги шарафига мавсумда 5 минг килограммдан 7 минг килограммгача етказиб пахта теріб бериш ҳақида ва'да берган колхозчиларнинг кўпи ўз мажбуриятини бажарди. Зубайда Баратова, Мухтарам Нишонова, Ҳабиба Қорабоева, Меҳри Йўлдошеваларнинг ҳарбири 6 минг килограммдан пахта, 3 минг килограммдан ошириб кўсак терди.

Колхоз а'золари об-ҳавонинг қулай келишидан фойдаланиб, шу кунларда ғўзапоя юлиш, ер ҳайдаш ва ариқ-зовурларни қазишни кучайтириб юбордилар. Илғор бригада ва звеноларнинг Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллиги шарафига пахта ерларини чуқур ҳайдаб, ўғитлаб бўлдилар.

Сон-саноқсиз табриклар

Ўртоқ И. В. Сталин 70 ёшга тўлган кун муносабати блан Совет Иттифоқининг ҳамма жойларидан, партия, совет ва турли жамоат ташкилотларидан, корхона коллективларидан, колхоз, муассаса ва ўқув юртларидан, ҳарбий қисмлардан ҳамда айрим совет гражданларидан, шунингдек чет элдардан сон-саноқсиз табриклар олинмоқда.

Ўртоқ Сталинга соғ-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаб, самимий истакларини изҳор қилиб, қуйидаги ташкилотлар табрикномалар юборганлар:

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг коллегияси;

СССР Нефть саноати министрлигининг коллегияси;

СССР Химия саноати министрлигининг коллегияси;

СССР Станоксозлик министрлигининг коллегияси;

СССР Электр саноати министрлигининг коллегияси;

СССР Совхозлар министрлигининг коллегияси;

СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегияси;

Ростов область Мартинов районидаги Киров МТСининг ишчилари, тракторчилари ва хизматчилари коллективи;

Краснодар ўлкаси Брюховецк районидаги Сталин номли колхозининг а'золари;

Озарбайжон ССР Агдам районидаги «Социализм» колхозининг а'золари;

Краснодар ўлкасидаги «Завет Ильича» колхозининг а'золари;

Озарбайжон ССР Зардоб МТСининг тракторчилари, ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари;

Саратов область Чапаев районидаги «Победа» колхозининг а'золари;

Горький область Балахна районидаги Мичурин номли колхознинг а'золари;

Сталинград область Нижне-чирск районининг 7-нчи партия конференцияси вакиллари;

ССР Иттифоқи Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг ходимлари;

Москва электр лампалари ишлаб чиқаручи заводнинг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

«Ставропольнефть» трестига қарашли 2-нчи нефть конининг ишчи ва хизматчилари коллективи;

Минск шаҳридаги Крупская номли тикув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Ленинградлаги «Пишчевик» балиқ консерва заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Ленин орденли Москва Метрополитенининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Орехово-Зуево шаҳридаги «Карболит» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Москвадаги трансформатор заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Ново-Погинск фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари.

Москва шаҳридаги Петр Алексеев номли майин мовут фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Архангельскдаги Ленин номли ёғоч-тахта заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Бурят-Мўғулистон АССРдаги Кахтинск пойафзал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

В. М. Молотов номидаги тўқув-оҳорлаш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Граммофон пластинкалари Апрелевск заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Йўллар министрлигига қарашли Люберци электромеханика заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Минскдаги Тельман номли пойафзал фабрикасининг ишчилари, мастерлари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Москвадаги Прожектор заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

СССР Металлургия саноати министрлигининг ходимлари;

СССР Артиллерия фанлари академиясининг ҳақиқий а'золари ва корреспондент а'золари;

СССР Фанлар Академиясига қарашли В. В. Докучаев номли тупроқшунослик институтининг илмий ходимлари, хизматчилари ва ишчилари;

Москвадаги Д. И. Менделеев номли Ленин орденли химия-технология институтининг профессорлари, ўқитучилари, студентлари, ишчилари ва хизматчилари;

Москвадаги 2-нчи Давлат медицина институтининг профессорлари, ўқитучилари, студентлари;

СССР Халқ рақслари давлат ансамблининг коллективи;

Тошкент шаҳридаги Куйбишев номли 1-нчи ўзбек хотин-қизлар ўрта мактабининг ўқитучилари ва ўқучилари;

Олтой ўлкаси Барнаул шаҳридаги Железнодорожний районининг пенсионерлари, Ватан уруши ва меҳнат инвалидлари, Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари;

Тамбов область Граждановск районидаги Соколов мактабининг Сталин номидаги пионерлар дружинаси;

В. И. Ленин номидаги Белоруссия Давлат университети ходимларининг коллективи;

СССР Фанлар Академиясига қарашли геология фанлари институти ва геология-география фанлари бўлими Бюросининг ходимлари;

Узоқ Шарқ денгиз пароходчилигига қарашли «Новосибирск» пароходининг экипажи

Москвадаги «Гознак» фабрикасининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Қозоғистон ССР Кўкчитов областидаги «Победа» колхозининг а'золари;

Саратов область, Турковск районидаги «Мечти Ленина» колхозининг а'золари;

«Катта Совет Энциклопедияси» Бош редакцияси ва Давлат илмий нашриёти ходимларининг коллективи;

СССР Молия министрлиги ходимларининг йиғилиши;

Қоғоз саноати ишчилари касаба союзининг Марказий комитети;

СССР тикучилик ва трикотаж саноати ишчилари касаба союзининг Марказий комитети;

СССР Медицина ходимлари касаба союзининг Марказий комитети;

Болалар адабиёти давлат нашриётининг ходимлари;

Мексика Коммунистлар партиясининг Марказий Комитети;

Венесуэла Коммунистлар партиясининг Марказий Комитети;

Куба Халқ-социалистлар партияси Миллий Ижроия Комитети;

Чехословакия Республикасининг Миллат Мажлиси;

Венгрия Парламенти;

Албания Халқ Республикаси Халқ Мажлиси Президиуми;

Мўғулистон Халқ Республикаси Кичик Хуралининг Президиуми;

Албан хотин-қизлари союзи;

Бельгиядаги Совет Иттифоқи дўстлари Миллий Комитети;

Маориф ходимларининг Халқаро Бирлашмаси;

Польша пойтахти Варшава Рада Народова;

Тўқимачилик ва тикучилик саноати меҳнаткашлари касаба союзлари Халқаро бирлашмасининг Ма'нурий комитети;

Болгария-совет дўстлиги союзларининг Бош кенгаши;

Совет хотин-қизлари Антифашист Комитети;

Николаева номли, Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Орехов ипгазлама комбинатининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Ижевск металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Саратодаги «Серп и Молот» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

СССР станоксозлик министрлигига қарашли Киржачск асбобсозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Кемереводаги анилин-бўёқ заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Первомайск шаҳридаги 25 Октябрь номли машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

«Красноярскуголь» комбинатига қарашли корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Новороссийскдаги «Пролетарий» цемент заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Прокопьевск шаҳридаги Сталин номли шахтанинг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Бурят-Мўғулистон АССРдаги Кахтинск пойафзал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Воронеждаги Дзержинский номли пароз-ремонт заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Қараганда кўмир ҳавзасининг шахтёрлари ва шахта қуручилари;

ССР Иттифоқи Оғир машинасозлик министрлигининг ходимлари;

ССР Иттифоқи Авиация саноати министрлигининг ходимлари;

ССР Иттифоқи Кўмир саноати министрлигининг ходимлари;

Минскдаги Л. М. Каганович номли пойафзал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

ВКП(б) Шимолий-Осетия область комитети, Шимолий-Осетия АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети;

Қозоғистон К(б)П Кустанай область комитети;

ВКП(б) Тюмень область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети;

Меҳнаткашлар депутатлари Владимир область Советининг ижроия комитети;

ВЛКСМ Куйбишев область ва шаҳар комитетлари;

ВЛКСМ Тюмень область комитети;

ВКП(б) Ставрополь шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети;

Украина К(б)П Ужгород округ комитети;

ВКП(б) Ростов шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети;

ВЛКСМ Москва область ва шаҳар комитетлари;

ВКП(б) Смоленск шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети;

Воронеж область Лискинск 17-нчи район партия конференцияси;

Грузия К(б)П Ботуми шаҳар комитети;

Украина К(б)П Марказий Комитети ва Украина ЛКСМ Марказий Комитети аппаратининг ходимлари;

ССР Иттифоқи Электр саноати министрлигининг ходимлари;

ССР Иттифоқи Оғир саноат корхоналари қурилиши министрлигининг ходимлари;

Машинасозлик ва асбобсозлик ишчилари касаба союзининг Марказий Комитети;

Украина К(б)П Закарпат область, Тячев округ комитетининг 8-нчи пленуми;

Украина ССР касаба союзлари республика Советининг президиуми;

Ворошилов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли металлургия заводининг VII умумзавод партия конференцияси;

Рангли металлургия ишчилари касаба союзининг Марказий Комитети;

Бошқирдистон АССР Черников IV шаҳар партия конференцияси;

ВЛКСМ Бурят-Мўғулистон область комитети;

СССР Фанлар Академиясига қарашли География институтининг илмий ходимлари, хизматчилари ва ишчилари;

РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли П. А. Герцен номли Онкология марказий илмий текшириш институти ходимларининг коллективи;

Эстония ССР Фанлар академияси;

СССР сан'ат ходимлари касаба союзининг Марказий Комитети;

СССР Авиация саноати академиясининг профессор-ўқитучилари, ўқучилари, ишчилари ва хизматчилари;

Москвадаги Бауман номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Олий техника мактабининг профессорлари, ўқитучилари, студентлари, ишчилари ва хизматчилари;

«Комсомольская Правда» газетаси редакцияси ходимларининг коллективи;

Воронеж шаҳридаги сан'ат муассасалари ходимлари ва ёзучилар;

Москва шаҳридаги ССР Иттифоқи Давлат симфоник оркестри музикачиларининг коллективи;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги СССР ва Украина ССР элчихоналари ва Нью-Йоркдаги ТАСС бўлимининг ходимлари;

Белоруссия ССР Бобруйск область Кличевск районидаги ўқитучиларнинг район йиғилиши;

Семипалатинскдаги Н. К. Крупская номли педагогика ва ўқитучилар институтининг студентлари, профессорлари ва ўқитучилари, ишчи ва хизматчилари коллективи;

Куйбишев Давлат медицина институтининг студентлари, профессор-ўқитучилари, ишчи ва хизматчилари;

Олтой ўлкаси Рубцовск районининг ўқитучиларининг умумий йиғилиши;

«Литературная газета» редакцияси ходимларининг коллективи;

ССР Иттифоқи Соғлиқни сақлаш министрлигининг ходимлари;

Мексикадаги Совет элчихонасининг ходимлари;

Бурят-Мўғулистон АССР Бичур аймоғи 10-нчи аймоқ комсомол конференциясининг вакиллари;

Тамбов область Туголукск район, Алексеевск қишлоқ советидаги «Пятилетка в 4 года» колхозининг а'золари;

Олтой ўлкасидаги Косиха МТСининг тракторчилари, комбайнчилари, механиклари ва ишчилари коллективи;

Саратов область Екатериновск районидаги «Индустриальный» галла совхозининг ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари;

Кемерово область Промышленновск районидаги «Новий путь» колхози а'золарининг йиғилиши;

Харьков областидаги Липецк МТСининг комбайнчилари, тракторчилари, ишчи ва хизматчилари;

Қирғизистон ССР Иссиқкўл область, Життн-Огиз районидаги Шевченко номли колхоз а'золарининг йиғилиши;

Ханти-Мансийск миллий округи, Сургут райони, Тундрино қишлоғидаги Сталин номли колхознинг а'золари;

Курган область Шадрин район, Мальцев қишлоқ советидаги «Завети Ленина» колхозининг а'золари;

Куйбишев область Красноярск МТСининг тракторчилари, комбайнчилари, механиклари ва хизматчилари;

Амур область Каганович районидаги «Партизан» МТСининг ишчи ва хизматчилари, тракторчилари ва комбайнчилари;

МТС ва ер органлари ишчи ҳамда хизматчилари касаба союзининг Марказий Комитети;

Ижевскдаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Запорожье шаҳридаги «Интернационал» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Порт ускуналари ишлаб чиқаручи Клайпеда заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Сюгинскдаги «Свет» заводининг стахановчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Алексеевск олтингугурт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Карель-Фин ССР Пудож ёғоч-тахта заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Москва — Рязань темир йўлидаги Морщанск депосининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари;

Тошкент — Оҳангарон темир йўлининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Дрогобич область Стрий шаҳридаги «Металлист» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

СССР Машинасозлик ва асбобсозлик министрлигига қарашли Киев полиграфия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Боку шаҳридаги «Бакинский рабочий» машинасозлик заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Минск вагон-ремонт заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

(Табриклар рўйхатининг давоми газетамизнинг келгуси сонида босилади).

Партия турмуши

Оммaнинг ташаббусига бошчилик қилиш — партия ташкилотларининг асосий вазифаси

Ленин ва Сталин партия ташкилотларини ва коммунистларни ҳардоим кенг меҳнаткашлар оммаси блан алоқани мустаҳкамлашга, оммадан ўрганишга, оммaнинг гапига э'тибор блан қулоқ солишга, оммaнинг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлашга, ўз товараклaрига кенг партиясизлар активини уюштиришга ўргатиб келадилар.

Улуғ доҳимиз Сталин большевикча раҳбарлик сан'ати партиянинг ҳамиша, ҳамма жойда ҳаракатнинг олдида бориши, ўзининг авангардлик ролини бажаришдагина эмас, балки шу блан бирга партиянинг оммадан ажралмай, миллионларча оммани ўзига эргаштириб боришидан ҳам иборат, деб та'лим берали.

«Большевикларнинг кучи, коммунистларнинг кучи шундаки,—дейди ўртоқ Сталин,—улар партиямиз атрофига миллионларча партиясиз активни тўплай оладилар».

Тошкент область, Қорасув район партия ташкилоти ВКП(б) Марказий Комитети февраль Пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарори ва СССР Министрлар Советининг «Колхоз ва совхозларда пахтачиликни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарорларини амалга оширишда улуғ Сталининг ана шу кўрсатмасига қаттиқ амал қилди.

Район партия комитети бошлағич партия ташкилотларининг пахта учун курашдаги ташкилотчилик ролини ошириш учун уларнинг колхозчилар оммаси блан алоқасини мустаҳкамлашга, партиясиз активларни тарбиялашга катта э'тибор қилди. Қайси колхозда бошлағич партия ташкилотининг колхоз ҳаётидаги роли ва та'сири кучайган бўлса, ўша колхозда йил бошиданоқ ҳосил учун кураш оммавий тус олди.

Район партия комитети колхозлардаги бошлағич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш масалаларига катта э'тибор берди. Кўпгина колхозларга партия ишида синалган, яхши тажриба ортдирган кишилар бошлағич партия ташкилотларига секретарь қилиб кўтарилди. Биргина мисол келтирайлик: Район партия комитети Ворошилов номли колхозга партия ишида тажриба ортдирган ўртоқ Бекназаровни юборди. Ўртоқ Бекназаров аввало колхозда коммунист ва комсомолларнинг ҳарбир ишда чинакам авангард бўлишини та'минлади. Коммунистларни колхоз ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларига, айниқса пахтачилик ишларига тўғри тақсимлаш. Колхоз коммунистлари Ўзбекистон К(б)П X с'езди қарорини амалга ошириб, колхозда пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан социалистик мусобақани бошлаб юборишлар. Коммунистлардан Аҳмад Зилев, Маталуба Убайдуллаева ва бошқалар чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишга қадар барча ишларда колхозчиларга намуна бўлдилар. Улар ўзлари яхши ишлабгина қолмай, бошқа колхозчилардан ҳам мусобақа шартларига амал қилишни талаб этдилар. Колхоз партия ташкилоти ҳар ойда бир-икки марта очиқ партия йиғилиши ўтказиб турди, бу йиғилишларда колхознинг жамоат бойлигини тобора кўпайтириш, меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабат, социалистик мусобақани кучайтириш, спёсий-оммавий ишларга доир масалалар муҳокама қилинди. Кенг колхозчилар оммасининг колхоз партия ташкилоти ва колхоз правлениеси атрофига жиплашгани туфайли Ворошилов номли колхоз ҳарбир гектар ердан 40 центнердан ошириб пахта ҳосили олишга ва давлат томонидан берилган планларни ошириб бажаришга муваффақ бўлди.

Ворошилов номли колхоз партия ташкилотининг колхозчилар оммасини мўл ҳосил учун курашга сафарбар қилишдаги иши райондаги барча колхоз партия ташкилотлари учун намуна бўлди. Чунончи, Ленин номидаги колхоз илгари ламқувват ҳисобланар эди. Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Мирзаев) ўз атрофига колхозчиларни уюштира билгани, колхоз ишлабчиқаришида партия ташкилотининг та'сири кучайгани натижасида ҳозир у Қорасувнинг илғор колхозлари қаторига ўтди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қорасув районидаги колхозлар 1949 йилда давлатга ҳар гектаридан 36 центнердан пахта топшириб, бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирган эканлар, бу муваффақият район партия ташкилотининг колхозларга раҳбарлик услубини тубдан ўзгартириши, бошлағич партия ташкилотларининг ролини ошириб, коммунистларнинг колхоз ишлабчиқаришида авангардлигини та'минлаш, партия ташкилотлари атрофига партиясиз активларни большевикча уюштира билиши натижасидир. Коммунист ва комсомоллар пахта, сабзавот, картошка, ерёнгоқ ва бошқа полиз экинларидан юқори ҳосил етиштиришда социалистик мусобақанинг ташкилотчиси бўлдилар ва кенг колхозчилар оммасини колхозларимиз олдида турган вазифаларни тўла ва ошириб ado этишга сафарбар қила олдилар. «18 Партс'езд» колхозида коммунист Шукур Ҳайитов 28 гектар ернинг ҳар гектаридан 46 центнердан, звено бошлиғи коммунист Умри Ҳафизова 50 центнердан пахта ҳосили топширилар. Коммунистлар раҳбарлигида бундай юқори ҳосил олган звено ва бригадалар районимизда жуда кўп ҳисобланади.

Район партия ташкилоти қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда илғор совет агробиология фани ютуқларини кенг қўллаши, бунинг учун колхоз раҳбар кадрларини агробиология фани муваффақиятлари блан яхши таништириш мақсадида колхоз раислари, ҳосилот совет раислари, бригада бошлиқларининг семинарини ўтказди. Семинарда илғорларнинг тажрибалари ўрганилди ва колхоз активлари Вильямс-Мичурин та'лимоти блан таништирилди. Бундан ташқари колхоз активлари учун очилган лекторияда республикамизнинг отоқли фан арбоблари жуда кўп лекция ўқиділар. Лекцияларнинг темалари ҳархил бўлди. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Дадабоевнинг «Пахтачиликда Мичурин та'лимоти», қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Баҳодировнинг «Совет агробиология та'лимоти бўйича деҳқончиликнинг тараққиёт асослари», қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Не'матовнинг «меваларнинг янги сортларини яратишда Мичурин та'лимоти» деган лекцияларини колхоз раҳбар кадрлари зўр диққат блан тингладилар.

Район партия ташкилоти хўжалик ва спёсий вазифаларни амалга оширишда колхозларга доимий вакиллар биржитиб қўйиш усулидан воз кечди. Аксинча, район партия комитетининг бюро а'золари кўпроқ колхозларга бориб тегишли масалаларни ўз жойида ҳал қилиділар. Колхозларда спёсий агитация-пропаганда ишларини кучайтирдилар. Бу усул колхоз раислари ва партия ташкилотлари секретарьларида ўз ишлари учун мас'улият ҳиссини янада оширди.

Район партия комитети колхозларда очиқ партия йиғилишларининг ролини оширишга жиддий э'тибор берди. Шу мақсад блан бошланғич партия ташкилотларининг очиқ мажлислари кўпроқ ўтказилиб, колхоз ҳаётига доир муҳим масалаларни ҳал этишда партиясизлар оммасининг фикрини олишга муваффақ бўлиди.

Коммунистлар қишлоқ хўжалик ишларини кенг механизациялашга етакчилик қилдилар. Коммунист Исмонов раис бўлган Свердлов номли колхоз биринчи бўлиб сабзавотчилик ишларини машиналар кучи блан бажаришга кўчди. Бу колхозда кучли гидроэлектростанция қурилди. Колхозчиларнинг хонадонлари Ильич нурлари блан ёритилди. Ҳозир райондаги деярлик ҳамма колхозларда ҳам қишлоқ хўжалик ишлари асосан машиналаштирилди.

Қорасув—республикамизнинг пойтахти Тошкент шаҳрига яқин район. Бу ҳод районимизда пахтачилик блан бир қаторда сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчиликни ва маҳсулдор чорвачиликни ривожлантиришни талаб қилади. Ўтган йили районимиз давлатга сабзавот, картошка ва шоли топширишларини ҳам ошириб бажаришга муваффақ бўлди.

1950 йил — сталинча тўртинчи бешйилликнинг охирги йили. Район партия ташкилоти колхозларда Ўзбекистон ССР 25 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани яна ҳам кучайтириб юборди. Пахта ерларидаги ғўзапоялар тамоман йиғиштириб олинди. 6.400 гектар ер кузги шудгор қилинди. Биз пахта ва бошқа экин майдонларини академик Вильямс та'лимоти асосида яхшилаб ўгитлаб 28—30 сантиметр чуқурликда ҳайдаймиз.

Район партия комитети колхозлардаги бригада ва звено бошлиқлари составини мустаҳкамлашга, мўл ҳосил учун курашда катта тажрибалар ортдирган илғор кишиларни колхознинг раҳбарлик ишларига дадиллик блан пастдан юқорига кўтаришга э'тибор қилмоқда.

Колхоз раҳбар кадрларини тарбиялаш, уларнинг назарий савиясини ошириш, ўқитиш—партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Шунинг учун ҳам ҳозир биз барча колхозларнинг раҳбар кадрларини семинарлар ва қисқа муддатли курсларга ўқишга жалб қилиш чораларини кўрмоқдамиз.

Қорасув район большевиклари ва кенг колхозчилар оммаси олдида 1950 йилда катта ва мас'улиятли вазифалар турибди. Партия ташкилоти колхозчилар оммасининг ғайрат ва ташаббусига суяниб, мўл ҳосил учун курашда социалистик мусобақани янада кучайтириб, бу вазифаларни шараф блан бажаради.

С. НИШОНБОЕВ.

Ўзбекистон К(б)П Қорасув район комитетининг секретари.

Тошкент шаҳар партия ташкилотларида

ПАРТИЯСИЗ АКТИВЛАР ЎРТАСИДА ИШЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон К(б)П Киров район комитетининг бюроси кондитер фабрикаси ва Ўзбекистон Маҳаллий саноат министрлигига қарашли завод партия ташкилотларида партиясиз активлар блан ишлаш ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Район комитетининг бюроси кондитер фабрикасида партиясиз активлар ўртасида агитация ва тарбиявий ишлар бирмунча яхшиланганлигини та'кидлади. Партиясиз активлар турли топшириқларни бажаришга жалб этилмоқда, уларнинг иштироки блан очиқ партия йиғилишлари ўтказилмоқда. Цехларда касаба союз йиғилишлари ва ишлабчиқариш кенгашлари тез-тез ўтказилиб турилмоқда.

Лекин бу ишда жиддий камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Фабриканинг цехларида 225 стахановчи ва 25 та мутахассис ишлашига қарамай, спёсий тўгаракларда партиясизлардан фақат 14 киши қатнашмоқда. Агитаторлар орасида ҳам партиясиз активлар кам.

Ўзбекистон Маҳаллий саноат министрлигига қарашли завода партиясиз активлар ўртасида оммавий-спёсий ишлар суст қўйилган.

Район партия комитети бюроси партиясиз активлар ўртасидаги ишларни кучайтиришга қаратилган бирқанча амалий тадбирларни белгиладi. Корхоналарда ойига икки марта лекция ва докладлар ўтказиб туриш, очиқ партия йиғилишлари чақириш, партиясиз активларни спёсий ўқишга жалб қилишга қарор қилинди.

ПАРТИЯ МАОРИФИ ЙИҒИЛИШИ МАСАЛАСИ ПАРТИЯ МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг партия йиғилиши коммунистларнинг спёсий ўқуви масаласини муҳокама қилди.

Партия ташкилоти бу йил партия пропагандасини кучайтириш юзасидан катта ишлар ўтказди. Марксизм—ленинизм университетининг янги ташкил қилинган филиалида 26 киши ўқимоқда. «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганучилар учун 2 тўгарак ташкил қилинган. Бу тўгаракларда партия а'золари ва кандидатларидан 30 киши шуғулланмоқда. 40 киши марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганмоқда.

Шу блан бирга партия йиғилиши партия а'золари ва кандидатларининг спёсий ўқишда бирқанча жиддий камчиликлар борлигини ҳам та'кидлади. Коммунистлардан бир қисми университет ва тўгарак машғулотларида мунтазам қатнашмайди. Консультантлар марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучиларга ёрдам беришни сусайтириб қўйганлар.

Партия йиғилиши бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Революцион назарияни мустақил ўрганучилар учун январь-февраль ойларида В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» номли китоби ҳақида назарий конференция ўтказилади.

РАЙОН ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИНИНГ ТЕКШИРИШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БАЖАРИЛИШИНИ

Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитети VIII район партия конференциясининг кадрлар блан ишлаш масаласи юзасидан чиқарган қарорлари қандай бажарилаётганлиги масаласини текшириб чиқди ва бу масалани бюро мажлисида муҳокама қилди.

Район партия комитети номенклатурасидаги ходимларнинг 80 процента олий ва ўрта ма'лумотли кишиларидир.

Шу блан бирга район партия комитети бюроси ўз қарорида район партия конференциясининг кадрлар блан ишлаш тўғрисида чиқарган қарори ҳали тўла бажарилмаганлигини кўрсатиб ўтди. Кадрлар резерви тайёрлаш етарли эмас, ходимларни яхши ўрганмай туриб, тошмашошарлик блан пастдан юқорига кўтариш ҳоллари бор.

Район партия конференциясининг қарорини яқин фурсатда тўла бажариш, мавжуд камчиликларни тугатиш, маҳаллий миллат кадрларини, айниқса хотин-қизларни раҳбар ишларга кўтаришни кучайтириш, етарли кадрлар резерви яратиш, район партия комитети номенклатурасидаги ходимларнинг ҳаммасини кўриб, тасдиқлашни тамомлаш юзасидан бирқанча амалий тадбирлар белгиланди.

Илғор колхозларнинг йиллик даромади

БУХОРО, («Қизил Узбекистон» мухбиридан). Областьдаги илғор колхозлар 1949 йилда пахтадан юқори ҳосил етиштиргانлари туфайли, мўл даромад олмоқдалар.

Свердлов район, Сепатта қишлоқ советидаги Киров номли колхоз пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил топширди. Бу, урушдан илгариги йиллардагидан гектар бошига 10 центнердан ортиқдир. Колхоз топширилган пахтанинг ўзи учун 2 миллион 150 минг сўм (шу жумладан 1 миллион сўм устама мукофот) олди.

Колхоз давлатга пахта топширишни давом этдирмоқда. Тахминий ҳисобга кўра, колхозчиларнинг ҳарбир ишлаган меҳнат кунига 20 сўмдан пул, 3 килограммдан галла тақсимланади. 35 та стахановчи колхозчи 25—30 минг сўмдан пул, 6—7 тоннадан галла олади.

Стахановчи колхозчи Ўртоқ Ҳамид Беҳбудовнинг оиласида 7 та ишловчи бор. Ўртоқ Беҳбудовнинг ўзи 11 ой ичида 354 меҳнат куни, рафиқаси Очилой — 356 та, отаси Беҳбудота — 352 та, қизи Мунисой—358 та, ўғли Тўйли—332 та, келини Севарой—224 та, невараси Рўзи (ўқучи) 171 та меҳнат куни ишлаганлар. Шундай қилиб, Ўртоқ Беҳбудов оиласи ўрта ҳисоб блан 42,640 сўм п.т, 6 тонна 400 килограмм галла, 61 килограмм ёғ, 21,5 килограмм чой ва ҳархил мева, шу жумладан асал олади.

Ўртоқ Беҳбудов пул даромадининг бир қисмига сим кроватьлар, гилам, радиоприёмник, стол-стуллар, диван, мотоцикл, балиқий адабиёт сотиб олмоқчи ва келгуси йилда янги типда уй қурмоқчи.

Шу қишлоқ советидаги «Янгиобод» колхози пахта ерининг ҳар гектаридан 33,5 центнердан пахта топширди. Бунинг эвазига колхоз давлатдан 1.495.443 сўм пул, 150 тонна галла олди. Колхоз раиси коммунист Ўртоқ Болта Эшниевнинг айтишича, ҳарбир меҳнат кунига 19 сўм 60 тийиндан пул, 2,5 килограммдан галла тақсимламоқчи.

Колхоздаги ҳар гектар майдондан 55 центнердан ҳосил топширган Ўртоқ Жўраев бошлиқ бригадасининг а'золари ҳар бир меҳнат кунига 32 сўмдан пул, 3,3 килограммдан галла оладилар.

Колхозчи Ўртоқ Наврўз Боқиев ўз оиласидаги 5 та ишловчи блан 1949 йилнинг 1 январидан 10 декабрьгача 1.520 та меҳнат куни ишлаган. У, 35 минг сўмдан ортиқ пул, 5 тоннага яқин галла олади.

Булар каби ҳалол ишлаб, кўп даромад олган стахановчи колхозчилар областьда жуда кўпдир.

С. КАРИМОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРГАНЛАР КАТТА ДАРОМАД ОЛАДИЛАР

ФАРҒОНА, («Қизил Узбекистон» мухбиридан). Охунбобоев район колхозлари 1949 йилги қишлоқ хўжалик ишларини якунлаб, давлатга топширган пахталари учун олган даромадларини тақсимлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўтган йили пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 ярим центнер ўрнига 30 центнердан пахта топширган Фрунзе номли колхоз 8 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди.

Колхозда ҳарбир меҳнат кунига 20 сўмдан пул ва 2 килограммдан галла бериш мўлжалланмоқда.

Республикамизнинг донгдор пахтакорлари (чапдан ўнгга): 1. Фарғона область Бағдод районидаги илғор «Большевик» колхозининг раиси Ўртоқ Эркин Усмонхўжаев. Бу колхоз 280 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ортдириб пахта топширди. 2. Сурхондарё областидаги «Ҳазарбоғ» совхозининг ҳар гектар ердан 26,5 ўрнига 35 центнердан пахта топширган звено бошлиғи комсомол а'зоси Зулайҳо Саидова. 3. Хоразм область, Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхознинг ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта топширган звено бошлиғи кекса пахтакор Жуманиёзбобо Қурёзов. 4. Фарғона область, Охунбобоев районидаги «Сталинчи» колхозининг мавсумда 10 минг килограмм пахта терган чевар теримчиси комсомол а'зоси Мунисхон Ботирова ўртоқлар.

Р. Шарипов, Б. Мазур, В. Лейн фотолари. (УзТАГ фотохроникаси).

Хўжаободда кўкламга тайёрлик кечиктирилмоқда

(«Қизил Узбекистон»нинг Андижон область мухбиридан)

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда кўкламга тайёрлик ишларини муваффақиятли ўтказиш ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага ма'лум. Лекин бу муҳим тадбирни амалга оширишда Хўжаобод районидаги ҳар иккала МТС да ҳам тракторлар ўтган йилдагидек қониқарсиз ишлатилмоқда.

Район колхозларининг ер шароити пахта экиладиган ҳамма ерларни кузда сифатли шудгор қилиш, шунингдек ариқ-зовурларни нухта бажаришни талаб қилади. Шунга қарамасдан, ҳозир районда кўкламга тайёрлик ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилмоқда.

2-нчи МТС директори Ўртоқ Иноқов блан суҳбатлашсангиз, у сизга МТС нинг иши ҳақида мақтанчоқлик блан гапиради:

— Дедрли ҳамма тракторларимиз ремонтдан чиқарилган, устахонада қолган 4 та ҳайдов тракторини ҳам ишга чиқариб юборсак, марра бизники!

Аммо Ўртоқ Иноқов ремонтдан чиқарилган машиналарнинг қаерда нима иш қилаётганини яхши билмайди. Бунинг натижасида, колхозларга хизмат қилаётган трактор бригадалари ёмон ишламоқда. Масалан, Булоқбоши қишлоқ советидаги энг кўп пахта экадиган Сталин номли колхозда ишлаётган трактор бригадаси кузги шудгор бошлангандан бери атиги 38 гектар ер ҳайдаган. Бу колхозда 3 ПАТИ ва 3 та СХТЗ трактори бор. Аммо бу машиналар техника жиҳатидан тўла-тўкис бўлишига қарамасдан, далада ишламай тўхтаб ётади. Бригада бошлиғи Ўртоқ Абдумажидов эса: «ҳали ер гўзапоядан тозаланган эмас, колхоз раҳбарлари шудгерлашга йўл қўймаётирлар» деган зararли фикрлар блан, тракторларнинг бекор туришига йўл қўйиб келмоқда. Шунингдек Карл Маркс номли колхоздаги бригада механиги Ўртоқ Тўра Ғозиевдан 700 гектар ўрнига энди 41 гектар ер ҳайдаганлиги сабабини сурштирсангиз, у: «энди вақт ўтди, баҳорда ҳайдаймиз» деб жавоб беради.

Бундай аҳволни МТС хизмат қилаётган бирнеча колхозда учратиш мумкин. МТС раҳбарлари Иноқов, механизатор Антонов, старший агроном Отабоев Ўртоқлар тракторчилар ўртасида ҳечқандай оммавий-сиёсий-тарбия ишлари олиб бормаётирлар. Бригадалар ва айрим тракторчилар ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши устидан назорат қилинмайди. МТС да кузги шудгорлаш плани эндигина 12 процент бажарилди. МТС раҳбарларининг ўз ишларига бепарволик блан қарашлари орқасида мавжуд тракторларнинг 60—70 проценти ҳар куни турли баҳоналар блан тўхтаб ётмоқда. Тракторларнинг иш унуми бир трактор кунига ярим гектарга ҳам тўғри келмайди.

1-нчи МТС хизмат қилаётган кўпчилик колхозларда ҳам трактор ремонти кечиктирилиши натижасида, ер ҳайдаш тўхтаб қолмоқда. Хўжаобод қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда ер ҳайдаши лозим бўлган 1 ПАТИ ва 1 СХТЗ трактори ҳалигача МТС устахонасида ремонт қилинмасдан ётишти. Ремонт қилинган икки трактор эса бригада механиги Ўртоқ Азизовнинг бепарволиги орқасида далада ишламай тўхтаб қолган.

Район раҳбарлари ҳар иккала МТС да юз бераётган бу аҳволларни тузатиш учун, МТС советини чақириб, у ерда узунидан-узоқ нутқ сўзлаш блан чегаралангانлар, холос. Область партия комитети Хўжаобод районидаги ҳар иккала МТС нинг ишига амалий ёрдам бериш учун область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Удотов ва инженер Новоселова Ўртоқларни юборган бўлса ҳам, улар шу вақтга қадар ҳечқандай ёрдам берганлари йўқ.

Бундан ташқари, район колхозларида кўкламга тайёрлик ишларини кучайтириб юбориш — ўғит ташиш, ерларни гўзапоядан тозалаш, ҳайдаш олдидан ўғитлаш ишларига ҳам мутлақо а'тибор берилмаётир. Шу кунга қадар фақат 880 тонна минерал ўғит ташиб келтирилган. Район колхозларида маҳаллий ўғит тўплаш ишига ҳам аҳамият берилмаётир, ирригация-мелиорация ишлари жуда қониқарсиз олиб борилмоқда.

Район колхозларига далада қолган пахта ҳосилини нобуд қилмай тезда йиғиб-териб олиш ва ерларни дарҳол гўзапоядан тозалаб ҳайдашга тайёрлаш тўғрисида бирнеча марта топшириқ берилган бўлишига қарамай, ҳалигача бу ишлар кучайтириб юборилган эмас.

Хўжаобод районида 3 йилдан бери пахта тайёрлаш плани бажарилмайди. Районда пахта тайёрлаш плани энди 75 процент бажарилди. Район партия ташкилотлари ўтган йиллардаги хатоларни такрорлар ва кузги-қишки ишларни намунали ўтказишга старран раҳбарлик қилмас эканлар, 1950 йил мўл ҳосилини та'минлашда яна катта хатога йўл қўйган бўладилар.

А. ҲАМДАМОВ.

ЭНГ ЯХШИ ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР ТАЖРИБАСИДАН

„Қизил чегара“ колхозининг деворий газетаси

Қишлоқ ўртасидаги ҳашаматли клубга кириб боришингиз блан, бу ерда «Пахта учун кураш» деворий газетасининг бирнеча сонини кўрасиз. Биз ҳам бу деворий газетанинг декабрь ойида чиқарилган кейинги сонини кўздан кечирдик. Шу сонда кичик-кичик, лекин мазмунли ишланган 10 га яқин хабарлар блан, «Келаси йил мўл ҳосили учун ҳозирданоқ курашайлик» деган бошмақола берилган. Бошмақола шундай бошланади:

«Деҳқонларимизнинг «ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда» деган мақоли бор. Пахтадан мўл ҳосил олиш учун ерни албатта кузда шудгорлаш керак. Чунки чуқур ҳайдалган ер бўшаб дам олади, қишнинг қор-ёмғирларидан тўла қониб, ўзида намлини кўпроқ сақлаб қолади. Иккинчидан қишнинг совуғи ва берилган яхоб суви блан ер остидаги ҳархил зараркунанда ҳашаротлар йўқолади. Ер семиради, унда мўл ҳосил тадбирлари кўпаяди. Шунинг учун ҳарбир бригада ва звено пахтадан тозаланган ерни пешма-пеш шудгорлаб бориши, агротехника қоидаларига мувофиқ, маҳаллий ва минерал ўғитлар блан ишлаб қўйиши шарт».

Яна бошмақолада колхозининг Эшиев, Қувондиқов бошлиқ бригадаларида пахтадан тозаланган ва бошқа экиладиган бўшаган ер кўп бўлгани ҳолда, кузги шудгорлаш оммавий равишда бошламаётгани, бир юк машина ва 7 та от-арава бўлган бу колхозда давлатдан берилган 70 тонна минерал ўғитнинг энди 15 тоннаси ташиб олинганлиги қаттиқ танқид қилинган.

Газетанинг «Илғорлардан ўрнак олингиз» сарлавҳали хабарида комсомол Жўра Аннаев бошлиқ биринчи бригада а'золарининг Ўзбекистон ССР нинг 25 йиллигини муносиб совғалар блан кутиб олаётганлиги тасвирланади. Бригада пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди, пландан ташқари бирнеча тонна пахта берди. Бригаданинг Сафар Нуралиев бошлиқ звекоси 6 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 21 ўрнига, 38 центнердан янгичка толали пахта олди.

Термиз район Пахтаобод қишлоқ советидаги «Қизил чегара» колхоз партия ва комсомол ташкилотининг органи «Пахта учун кураш» деворий газетаси муҳим вазифаларни ўз ичига олган иш планига эга. Газета колхоз ҳаётининг ҳамма соҳаларини тўла-тўкис ёритиб боради. Унинг ҳарбир сонида пахтачиликдан ташқари норвачилик, галлачилик, оммавий-спёсий ишлар, қишлоқ мактабида ўқиш-ўқитишнинг бориши, хотин-қизлар ўртасида ишлаш, ободончилик каби темалар ҳақида ёзилган хилма-хил хабарларни ўқиш мумкин.

Газетанинг сўнгги сонларидан бирида колхоздаги ГЭС қурилишининг бошлиғи Оллаёр Очилдиевнинг ёмон ишлаётганлиги танқид қилинди. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти деворий газетанинг бу танқидий хабарини текшириб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди. Қурилиш бригада бошлиғи Оллаёр Очилдиев вазифасидан бўшатилиб, унинг ўрнига правление қарори блан комсомол ўртоқ Чори Тўхтаев тайинланди. ГЭС қурилишини республикамизнинг шонли юбилейи кунигача битказиш учун 15 киши ажратилди. Область «Сельэлектро» идорасидан бошқа техник сўраб олинди.

Шунингдек деворий газетанинг ўша сонида 3-нчи бригада бошлиғи комсомол Мамаражаб Чориев пахта териш ва тайёрлашни тезлатиш ўрнига, маишатбозликка берилиб кеттани, хотини Қурбонойни 2 ёш боласи блан ҳайдаб юбориб, Гулбиби Бойҳоновага уйланганы қаттиқ танқид қилинган. Деворий газетанинг бу хабари колхоз комсомол ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Чориев устидаги айблар тўғри топилиб, у комсомол сафидан ўчирилди.

«Пахта учун кураш» газетасининг мақташга сазовор ишлари кўп. Колхозлари коммунист ва комсомоллар ҳамда колхозчилар оммаси ўртасида газетанинг та'сири жуда кучли. Деворий газетанинг редколлегия а'золари Жуманазаров, Қобулов ва Оллабердиева ўртоқлар бу ишончга муносиб ишлашлари, «Пахта учун кураш» деворий газетасининг ташкилотчилик ва таташаббускорлик ролини янада ошириш учун кураш олиб боришлари керак.

Л. ЭРГАШЕВ.

А'лочи ўқучилар блан ўқитучиларнинг учрашуви

Шу йил 3 январьда М. Горький номли рус драма театрининг биносида пойтахтдаги мактабларнинг юқори синфларидаги а'лочи ўқучилар блан республикада хизмат кўрсатган, орденли ўқитучиларнинг тантанали учрашуви бўлди. Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар халқ маориф бўлимининг ташаббуси блан уюштирилган бу тантанали йиғилиш жуда кўнгилли ўтди.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдек шарафли вазифани ўтаётган совет ўқитучилари блан учрашган Сталин замонасининг қувноқ ёшлари 1949 —50 ўқув йили биринчи ярим йиллигининг якунлари ҳақида фахр блан сўзлашилар.

Тошкентдаги 7-нчи мактабнинг X синф а'лочи ўқучиси Мельникова, Марказий райондаги 88-нчи ўрта мактабнинг директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитучи Якименко, Октябрь районидаги Свердлов номли 41-нчи ўрта мактаб X синф ўқучиси Каримов, 97-нчи мактабнинг орденли ўқитучиси Лиманцева ўртоқлар йиғилиш иштирокчиларини янги йил блан қутладилар ва та'лим-тарбия ишида эришаётган муваффақиятларини сўзлаб бердилар.

Йиғилиш охирида Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари Е. Рачинская ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг секретари Р. Эгамбердиев ўртоқлар ўқитучилар ва а'лочи ўқучиларни табриклаб, уларни 1949 — 50 ўқув йилининг иккинчи ярмини ҳам яхши натижалар блан якунлаш учун курашишга чақирдилар.

Тантанали йиғилиш охирида ўқитучи ва ўқучилар совет халқининг улуғ ҳоҳиси, ёш авлодининг жонажон меҳрибони Иосиф Виссарионович Сталинга бағишланган қўшиқни ижро этдилар.

М. Горький номли рус драма театрининг ижодий коллективи ўқитучи ва а'лочи ўқучилар учун «Шарқ тонги» спектаклини қўйиб берди.

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР“

«Қизил Узбекистон»нинг 1949 йил 5 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида Ўртоқ О. Юнусовнинг танқидий мақоласи босилиб чиққан, унда Мирзачўл районидаги 4-нчи МТС нинг директори Хўжаевнинг кўзбўямачилик қилиб, бажарилган трактор ишларини нотўғри кўрсатганлиги, бош агроном Назиров ва участка агрономи Абдуллаевларни асоссиз ишдан бўшатиб, сарсон қилганлиги кўрсатилган эди.

Тошкент область Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бу мақола юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди. МТС директори Ўртоқ Хўжаевга қаттиқ выговор э'лон қилинди ва юқоридаги хатолар яна такрорланса, ўз вазифасидан бўшатиб, жиноий жавобгарликка тортилажаги ҳақида огоҳлантирилди. Шу блан бирга, МТС ишини яхшилаш юзасидан конкрет чоралар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ўрта Осиё халқларини чор мустамлакачилари ва маҳаллий эксплоататорлар—феодаллар, амирлар ва бойлар зулмидан озод қилди. Революциянинг ғалабаларига ленинча-сталинча доно миллий сиёсатнинг тантанаси туфайли, халқларнинг сиёсий-хўжалик ва маданий ҳаётида мисли кўрилмаган катта ўзгаришлар бўлди.

Ўзбек халқи Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар блан дўстона, қардош оилада яшаб, улуғ рус халқининг доимий ёрдами блан, қисқа муддат ичида ажойиб муваффақиятларга эришди. Шу жумладан, совет соғлиқни сақлаш системасини вужудга келтириш ва ривожлантириш соҳасида ҳам гоят зўр ютуқлар қўлга киритилди.

Собиқ мустамлака Туркистонида, асосан шаҳарларда, аҳолига хизмат қиладиган бирнеча касалхона, ҳарбир уездда битталаб врач ва хусусий равишда даволайдиган бирнеча врач бор эди, холос. Аҳолига юри-дармон бериш учун уезд врачига йилига фақат 200 сўм ажратилган эди. Умуман, 1914 йилда ҳарбир киши учун соғлиқни сақлаш ишларига ўрта ҳисоб блан фақат 14 тийин сарф қилинган...

Бухоро амирлиги ва Хева хонлигида қарашли ерларда аҳолига ҳечқандай медицина ёрдами кўрсатилмас эди. Врачлар фақат ҳарбийларга, рус амалдорларига ва маҳаллий бойларгагина хизмат қилар эдилар. Деҳқонлар ва шаҳар меҳнаткашлари касал бўлиб қолганда, табиблларга, эшонларга, дуохонларга ва нодон ҳожиларга мурожаат қилишга мажбур бўлар эдилар. Она ва болалар соғлиғини сақлаш ишлари мутлақо бўлмагани каби, аҳолига махсус медицина ёрдами кўрсатиш блан ҳам ҳечким шуғулланмас, ҳечқандай санитария тадбирлари кўрилмас эди.

Меҳнатнинг ниҳоят даражада оғирлиги, турмуш шароитларининг ёмонлиги, меҳнаткаш аҳолининг қаттиқ эксплоатация қилиниши натижасида, аҳоли орасида, айниқса қишлоқларда касал кишилар ва касаллик орқасида бекордан-бекорга ўлиб кетучилар жуда кўп эди. Ҳар йили қайталаб турадиган чечак, вабо, терлама эпидемиялари натижасида минглаб кишилар ҳалок бўлар эди. Безгак касали аҳоли орасида жуда авж олган эди. Чақалоқ ва гўдакларнинг кўпи касал бўлиб қиришар эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган кундан бошлаб партия ва ҳукуматимиз совет соғлиқни сақлаш муассасалари олдига мас'улиятли ва шарафли вазифаларни қўйилар. У вақтда соғлиқни сақлаш муассасаларини вужудга келтириш, аҳолининг кенг табақаларига медицина ёрдами бериш ишларини бошлаб юбориш—асосий вазифалардан бири эди.

Партия ва ҳукуматнинг гоят зўр ғамхўрлиги, улуғ рус халқининг оғаларча катта ёрдами туфайли, Ўрта Осиёда миллий чегаралаш бошлангунча ҳам Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш муассасалари ва жуда кўп медицина муассасалари ташкил қилинган эди.

Совет медицина ходимлари аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларни камайтириш ва қуритиб юбориш учун астойдил курашгабошлаганлар. Масалан, Ўзбекистонда чечак касалининг бутунлай йўқотилганлиги — совет соғлиқни сақлаш муассасалари ва ходимларининг энг катта муваффақиятларидан биридир. Чунки, бу касалликни йўқотиш проблемаси Ўрта Осиё республикалари учун алоҳида аҳамиятга эга эди. Шунингдек, безгакка қарши кураш соҳасида доимо амалий тадбирлар кўриш натижасида, безгак блан оғриш 1940 йилга келиб, 1932 йилга нисбатан беш баравар камайди.

Терапия, хирургия, акушерлик, гинекология ва болалар касалликлари соҳасида махсус медицина ёрдамининг кучайганлиги, қишлоқ жойларидаги аҳолига медицина хизматининг яхшиланганлиги ҳам соғлиқни сақлаш ишлари юзасидан эришилган энг йирик муваффақиятлардан биридир.

Партия ва ҳукумат медицина ходимларидаги аҳолига кўрсатилаётган медицина ёрдамининг сифатини яхшилаш, медицина ходимларининг малакасини ошириш вазифаларини қўйди. Касалхоналарни поликлиникалар блан бирлаштириш соҳасида кўрилаётган тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Тошкент медицина институтининг 24 клиникаси ва Самарқанд медицина институтининг 16 клиникаси, шунингдек, врачларнинг малакасини ошириш республика институти шаҳар ва қишлоқларда махсус медицина ёрдамини яхшилаш ишларида соғлиқни сақлаш органларига ва аҳолига катта ёрдам бермоқдалар.

Республикамизда сил касалликлари, таносил а'золари касалликлари ва энг ёмон кўз оғриғи бўлган трахома блан оғришни камайтириш йўлида қилинган ишлар катта натижалар берганлигини алоҳида уқдириб ўтиш керак. Бу касалликлар ва оғриқларни ўрганиш ҳамда тугатиш учун республиканинг айрим областьларига, жумладан, Хоразм, Сурхондар'ё, Қашқадар'ё областьларига ҳамда Қорақалпоғистонга ҳар йили машҳур медицина олимлари раҳбарлигида отряллар ва илмий экспедициялар юборилмоқда.

25 йил ичида республикада касалликларни физика усуллари блан даволаш ишлари анча тараққий этди. Семашко номли республика физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти республикадаги курорт манба'ларини ўрганиш ишлари блан шуғулланмоқда. Республика юбилейи олдидан Наманган областидаги «Чўртоқ», Чодоқ тоғ-иқлим ва Фарғона областидаги шифоли Чим'ён курортлари очилди.

Совет ҳокимияти йилларида ҳамма қишлоқ советларида медицина участкалари ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда медицина участкаларининг сони 500 дан ошиб кетди, фельдшерлик пунктлари ва фельдшерлик-акушерлик пунктларининг сони 1.100 тага етди.

Республика соғлиқни сақлаш муассасалари Улуғ Ватан урушидаги ярадорларни даволаш соҳасида ҳам ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф блан бажардилар ва ҳозирда ҳам ярадорларни батамом соғайтириб юбориш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бутун Совет Иттифоқида бўлгани каби, Совет Ўзбекистонида ҳам оналар соғлиғига ёрдам бериш ишлари кундан-кун яхшиланмоқда. СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июльдаги Фармони партия ва ҳукуматимизнинг она ва болаларга жуда катта ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатучи ёрқин далилдир. Шу фармон асосида, болали оналарнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш блан бир қаторда, туғишга ёрдам берадиган ҳамда болаларни тарбиялайдиган муассасалар кўпайтирилди ва уларнинг ишлари яхшиланди. Болалар касалликларининг олдини олиш муассасалари кўпайтирилди. Ҳозирги вақтда республикамизда 236 та она ва болалар консультацияси, 561 та доимий болалар яслиси, 18 та гўдаклар уйи, 138 та сут ошхонаси бор. Сўнгги йилларда болалар касалликларини даволовчи докторларнинг сони 1924 йилдагига нисбатан деярлик 9 баравар ортди. Қишлоқларда болалар касалликларини даволайдиган ва касалликларнинг олдини оладиган муассаса ва яслилар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонда аҳолини юри-дармон блан та'минлаш ишлари жуда ҳам яхшиланди. Даволаш муассасалари ҳозирги замон аппаратлари, рентгенофизиотерапия ускуналари ва асбоблари блан мукаммал та'минланди.

Совет давлати соғлиқни сақлаш ишларига тобора кўпроқ маблағ ажратмоқда. Бу — большевиклар партияси ва совет ҳукуматининг халқ соғлиғини яхшилаш соҳасида қилаётган эўр ғамхўрлигидир. Агар 1926 йилда халқ соғлиғини сақлаш ишларига 7 миллион 363 минг сўм берилган бўлса, 1949 йилда 700 миллион сўм ажратилди.

Республикамиз тузилгандан бери ўтган 25 йил ичида Ўзбекистонда медицина фани гоят ривожланди. Ўзбекистондаги 4 та медицина олий ўқув юрти ва 8 та медицина илмий текшириш муассасаси илмий-даволаш ишлари ва кадрлар тайёрлаш блан шуғулланмоқда.

Медицина илмий ходимларининг сони, шу жумладан миллий илмий ходимлар сони кундан-кун ортиб бораётир. Улар янги-янги илмий масалаларни ҳал этмоқдалар. Жумладан, Ўрта Осиё халқлари орасидаги безгак касаллиги блан кураш соҳасида олимларимиздан Исаев ва Латишев ўртоқларнинг қилган илмий ишлари катта аҳамиятга эга. Ришта касаллигини йўқотиш, лейшманиозни, тепкили терламани ўрганиш, юқумли касаллик бўлган чечак касаллигини йўқотиш, безгак, папатач, бруцеллез касалликларини ўрганиш, ичак касалликларини даволаш, токсик дистрофия касаллигини қуёш нури блан даволаш, буқоқ касаллигини, носиқ иқлимнинг одам организмига та'сирини ўрганиш ва бошқалар юзасидан қилинган илмий ишлар ҳам Ўзбекистон олимларининг катта ижодий муваффақиятларини кўрсатади.

Ўзбекистонда медицина кадрлари ўсганлиги ва кўпайганлигини алоҳида та'кидлаб ўтиш керак.

Тошкент ва Самарқандда медицина институтлари ташкил қилиниши натижасида республикамизда медицина мутахассислари, айниқса маҳаллий миллат ёшларидан медицина кадрлари тайёрлаш имкониятига эга бўлдик. 1949 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистоннинг олий медицина ўқув юртларини бирнеча юз врач битириб чиқди. Буларнинг анчаси маҳаллий миллат кишиларидир. Ҳозир Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида малакали врачлар ишламоқда.

Ўтган 25 йил ичида республикамизда ўрта медицина ходимлари айниқса кўпайди. Ўзбекистонда биринчи медицина мактаби ҳисоблаган Охунбобоев номли Тошкент медицина ўқув комбинати ўрта медицина ходимлари тайёрлашда катта роль ўйнади. Ҳозирги вақтда республикамизда 11 та ўрта медицина мактаби бор.

Республикадаги 4 та олий медицина ўқув юрти ҳамда бирқанча илмий текшириш институтида жуда кўп илмий ходимлар, педагоглар етишди. Уларнинг бир қисми маҳаллий миллат кишиларидир. Ўзбеклардан етишган қўпгина олимлар институтларнинг клиникаларига ва кафедраларига раҳбарлик қилмоқдалар. Масалан, медицина фанлари доктори, профессор Умидова СССР Медицина Фанлари академиясининг корреспондент-а'зоси қилиб сайланди. Хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Пажиддинов, Ўзбекистон фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси, профессор Асқаров, профессор Исмонлов, медицина фанлари доктори Отаханов, медицина фанлари доктори Ма'рупов ўртоқлар ва бошқа кўпгина медицина олимларимиз катта илмий иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ССРдаги халқ соғлиғини сақлаш системаси қисқа муддат ичида ажойиб муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, СССР қардош халқларининг ва биринчи галда, улуғ рус халқининг доимий ёрдами туфайли қўлга киритилди.

Республиканинг соғлиқни сақлаш муассасалари ва медицина ходимлари халқимизнинг нурли ва фаровон ҳаёти, соғлиқни сақлаш соҳасида қилинаётган сталинча ғамхўрликдан илҳомланиб, бундан кейин ҳам Совет Ўзбекистонида соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай курашадилар.

Х. ЗОҲИДОВ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри.

Қурия Меҳнат партияси Марказий комитетининг пленумида

Ким Ир Сен доклади

ПХЕНЬЯН, 2 январь. (ТАСС). Қурия Меҳнат партияси Марказий комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида Ким Ир Сен бирқанча компартиялар Информация бюроси учинчи кенгашининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Ким Ир Сен Информация бюроси кенгашининг якунлари ҳақида гапириб, халқаро аҳвол тўғрисида Информация бюроси кенгашида баён қилинган фикрлар асосида Қуриялаги вазиятни таҳлил қилиб берди.

Қурияда, деди докладчи, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки йўл, икки лагерь — демократия ва империализм лагери аён бўлиб қолди. Илгари Совет Армияси турган Шимолий Қурияда бу армиянинг ҳар тарафлама берган ёрдами туфайли қурия халқи ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб қолди. Қурия халқи асрлар бўйи орзу қилиб келган демократик ислоҳотлар ўтказилди. Халқнинг моддий аҳволи яхшиланди ва маданий савияси юксалди. Қуриянинг шимолий қисми эндиликда бирлашган мустақил давлат тузиш учун мустаҳкам демократик базага айланди.

Республиканинг шимолий қисмида Қурия халқ демократик республикаси ҳукумати атрофига маҳкам жиплашган халқ оммаси саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш, халқ хўжалигини ривожлантириш икки йиллик планини бажариш учун ватанпарварлик ҳаракатини кучайтириб юбормоқда.

Бутун дун'ёда зўрлик йўли блан ўз ҳукмронликларини ўрнатишни, бошқа мамлакатлар ва халқларни асоратга солишни, янги уруш оловини ёқишни асосий мақсад қилиб қўйган Америка империалистлари Қурияда ҳам шу мақсадларни амалга оширишга урунмоқдалар. Шунинг учун Америка Қўшма Штатлари ҳукмронлиги остида яшаётган Жанубий Қурияда ҳамма нарса вайрон бўлган, қишлоқ хўжалиги ва саноат тангликка тушиб қолган, халқ сиёсий ҳуқуқлардан тамомила маҳрум этилган. Жанубий Қурияда очлик, қашшоқлик, бош-бошдоқлик ҳукм сурмоқда.

Америка империалистларининг тажовузкорлик сиёсати ва Ли Син Ман бошлиқ хоинлар қўғирчоқ «ҳукумати» бутун қурия халқини безиқтирмоқда.

Америка империалистлари, дейди сўнгра Ким Ир Сен, Қурия халқ демократик республикасига, Хитой халқ республикаси ва СССР га қарши уруш тайёрлаш мақсадида Японияни уруш базаси сифатида фойдаланиш ва Америка Қўшма Штатлари қўлида қўғирчоқ бўлган Тинч океан мамлакатларини бирлаштируви «Тинч океан иттифоқи» тузиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Қурия халқи қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги натижасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурия масалалари блан шуғулланучи комиссияси» икки марта муваффақиятсизликка учраган бўлишига қарамай, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўпчилик овозга эга бўлганлигидан фойдаланиб, бу «комиссия»нинг иш муддатини яна узайтирди, унга «ҳарбий назоратчилар» ҳам киргизиб, яна Қурияга юборди. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати қурия халқини қириш ниятида Ли Син Ман тўдасини кўп миқдорда қуроллароғ блан та'минламоқда. Ли Син Ман тўдаси Америка империалистлари буйруғига амал қилиб, Жанубий Қуриядаги демократик кучларни қаттиқ террор ва қувғин остига олди. Сўнгра Ким Ир Сен Информация бюроси кенгашида белгиланган иш программаси асосида Меҳнат партияси олдида турган вазифаларга тўхталди.

Партиямиз, деди Ким Ир Сен, янги уруш оловини ёқучиларга қарши тинчлик учун курашни Америка империалистларининг агрессив сиёсатига қарши кураш блан, миллий мустақиллик учун кураш блан боғлаб олиб бориб, барча демократик ватанпарвар кучларни Ли Син Ман бошлиқ хоинлар тўдасини фош қилишга ва тормор келтиришга отлантириши лозим. Хоин Ли Сен Ман тўдаси Америка империалистларининг буйруғи блан ўзаро граждан уруши чиқаришга урунмоқда. Партиямиз мамлакатни тинч йўл блан бирлаштиришга эришмоғи керак.

Докладчи халқ хўжалиги қурилишини янада кучайтириш зарурлигини айтди. Партиямиз, деди у, Бирлашган демократик ватан фронтидаги бошқа партиялар ва жамоат ташкилотлари блан бирга бутун халқни республика атрофига жиплаштириш, республиканинг шимолий қисмида ўтказилган демократик ислоҳотларнинг муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун бутун куч-қувватини сарфлаши керак.

Меҳнат партияси давлат қурилишимизнинг етакчи кучи ва партиямизнинг мояси бўлган ишчилар синфининг бирлигини мустаҳкамлаши, Қурия меҳнаткашлар оммасига раҳбарлик қилучи синф сифатида унинг уюшқоқлигини, жанговарлигини ва сиёсий ҳуш'ёрлигини янада ошириши керак. Республиканинг шимолий қисмида тўрт йил мобайнида биз ишчилар синфини бирлаштиришда катта муваффақиятларга эришдик. Ишчилар синфи Меҳнат партиясининг асосий кучи бўлиб қолди. Меҳнат партияси раҳбарлигида ишчилар синфи мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий қурилиш ишларида етакчи роль ўйнамоқда, мамлакатни ривожлантиришда ва меҳнаткашлар оммасининг моддий аҳволини яхшилашда, республиканинг шимолий қисмида ўтказилган демократик ислоҳотларнинг муваффақиятларини мустаҳкамлашда ҳал қилучи роль ўйнамоқда.

Партиямиз ишчилар синфининг иттифоқчиси бўлган камбағал ва ўрта деҳқонлар орасидаги ишларни кучайтириши лозим. Партиямиз деҳқонлар орасида ер ислоҳотининг муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, деҳқонларнинг сиёсий ва маданий савиясини тобора юксалтириш соҳасидаги ишларни кучайтириб юбориши керак.

Партиямиз Тито тўдасига қарши курашни кучайтириши лозим. Тито тўдаси демократия ва социализм лагеридан империализм ва фашизм лагерига ўтди. Барча партия ташкилотларимиз, партиямизнинг барча а'золари шуни тушуниб олмоқлари керакки, партиямиз реакцияга қарши қаттиқ курашни кучайтираётган шароитда империалистлар, уларнинг агентлари ва тескаричи тўдалари партиямиз сафига Тито тўдаси сиғгари ўз агентларини ва жосусларини юборишлари мумкин.

Партиямиз партия ичида ва кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида марксизм-ленинизм руҳида гоявий-тарбиявий ишларни ҳар қачонгдагига қараганда ҳам кучайтириши, партия а'золарини ва бутун халқни пролетар интернационализми руҳида тарбиялаши керак.

Шу блан бирга партиямиз ҳамма партия а'золарига ва ҳамма меҳнаткашларга равшан кўрсатиши керакки, биз нажоткоримиз Улуғ Совет Иттифоқи блан, барча халқ демократияси мамлакатлари ва Хитой халқ республикаси блан дўстликни кучайтирган тақдирдагина мустақил демократик давлат тузиш учун олиб бораётган адолатли курашимизда галаба қозонишимиз ва Ватанимизнинг янада яшнашини та'минлашимиз мумкин. Меҳнат партиямиз Информация бюроси чиқарган қарорларни Қурия шароитида амалга ошириши лозим. Бу қарорларда бутун дун'ёдаги ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқнинг кураш йўли белгилаб берилган. Биз бутун қурия халқини, ватанимиздаги барча демократик кучларни республика байроғи остида янада маҳкам жиплаштиришимиз, Америка империалистларининг ва уларнинг малайлари — Ли Син Ман тўдасининг мустамлакачи сиёсатини барбод қилишимиз ҳамда ватанимизни тинч йўл блан бирлаштириш учун олиб борилаётган тарихий курашда олдинги сафда бўлишимиз керак.

Булғор халқи социализм йўлидан олға бормоқда

Василь Коларовнинг янги йилга бағишланган мақоласи

СОФИЯ, 3 январь. (ТАСС). Булгария телеграф агентлиги хабар беради: «Работническо дело» газетасининг янги йил сонида Булгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси Василь Коларовнинг бошмақоласи босилиб чиқди.

Коларов ўз мақоласида бундай деб ёзади: «Биз янги, 1950 йилни бошимиз кўкка етган, ватанимизнинг порлоқ истиқболига чўқур ишонган, халқнинг кучига, унинг ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатимизда социализм қуриш қобилиятига тўла ишонган ҳолда кутиб олмоқдамиз. Халқимиз ватанимизнинг тақдирини ўз қўлига олди.

Қабиҳ душманлар ватан хоинлари, бизга душман бўлган чет давлатларнинг агентлари севикли устозимиз ва йўлбошчимиз Георгий Димитровнинг ўлимини сабрсизлик блан кутдилар. Улар қабиҳ ниятларини амалга ошириш, я'ни Булгорияни Совет Иттифоқи блан дўст бўлишдан воз кечишга мажбур этиш, уни бутун демократик лагерьдан ажратиб олиш — Булгорияни инглиз-америка империалистларининг мустамлакасига айлантириш, уни халқимиз ўз ихтиёри блан танлаб олган тинчлик, демократия ва социализм йўлидан тойдириш мақсадида Димитровнинг ўлимини тезлатишга урундилар.

Лекин улар жуда қаттиқ янглишдилар, — дейди Коларов.—Душманларнинг планлари ўз вақтида фош қилинди ва барбод этилди. Трайчо Костов тўдасига қақшатгич ўлим зарбаси берилди. Ватанимизга қарши фитна уюштирмоқчи, Ватан фронти ҳукуматига қарши, Ватан фронтининг раҳбари сифатида халқимизни порлоқ истиқбол сари олиб бориш имкониятини беради ва турмуш шароитимизни яхшилайди.

Ўтган йил, деди сўнгра Гротеволь, икки йиллик план туфайли қурилиш ишларимиз тезлашганлигини кўрсатди. Биз 1949 йилда олға қараб катта қадам ташладик. Хўжаликни планли ривожлантириш ўз самараларини бермоқда. Капиталистик эксплоатация йўқотилган ҳамма ерда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари меҳнатга янгича муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Анча яхшиланган, лекин ҳали ҳам ҳайла оғир бўлган шароитда ишчилар, зиёлилар ва меҳнаткаш деҳқонлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Биз чет эл молия доираларига қарам бўлмаган ҳолда Германиянинг тинч даврдаги эҳтиёжлар учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган экономикасини қуришга киришдик. Икки йиллик планнинг биринчи ярми ҳамма жойда муддатидан илгари бажарилди. Ўз кучимизга ишончимиз ошди. Бу планнинг иккинчи ярми янада тезроқ бажарилишига шак-шубҳа йўқ. 1950 йилда биз бундан ҳам яхши натижаларга эришамиз. Бу эса аҳолининг турмушини янада яхшилашни та'минлайди.

1950 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини норма блан бериш бекор қилинади. Бундан фақат гўшт ва ёғ мустаснодир, деди Гротеволь. Бу эса биздан янада ғайрат блан ишлашни талаб қилади, токи қишлоқ хўжалиги аҳолининг талабини қондириш учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулоти етиштириб бераолсин.

Гротеволь немис халқининг тараққиёлпарвар кучларини бирлашиб ҳаракат қилишга чақирди. Сулҳпарвар Германияни тузиш ва халқимизнинг турмушини яхшилаш учун курашаётган ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, фан арбобларининг ва халқ орасидаги бошқа табақаларнинг кучларини бирлаштириш ҳозирги вақтда кечиктиришмайдиган энг муҳим вазифадир, деди Гротеволь.

«Немис халқи, — деб ёзади ўз мақоласининг охирида Гротеволь, — қаттиқ кураш натижасидагина бирлашган Германияни тузиши мумкин. Шу сабабли биз Миллий фронтни қудратли ҳаракатга айлантиришимиз, бу ҳаракатни бутун Германияга ёйишимиз керак. Миллий фронт сулҳпарвар бирлашган Германияни тузишга қарши чиқаётган душманлар блан қаттиқ кураш олиб борада. Хароб бўлган немис шаҳар ва қишлоқлари, уй-жойлар ва саноат корхоналари немис халқининг умумий кучи блангина тикланиши, ҳамма софдил немис ватанпарварлари тинчлик душманларига қарши уюшиб, бир ёқадан бош чиқариб курашган тақдирлагина демократик Германия бирлаштирилиши мумкин».

Немис халқининг 1950 йилдаги вазифалари тўғрисида Отто Гротеволь мақоласи

БЕРЛИН, 4 январь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистлар партиясининг марказий органи «Нейес Дейчланд» газетаси янги йил сонида Германия демократик республикаси бош министри Отто Гротеволь-нинг мақоласини э'лон қилди.

Ўтган йил, деб ёзади Отто Гротеволь, тарихга Германия демократик республикаси вужудга келган йил бўлиб киради. Германия демократик республикасининг ташкил қилиниши ғоят катта воқиа бўлиб, бу воқиани Сталин Европа тарихида бурилиш нуқтаси деб атади.

Янги империалистик уруш хавфи, деди Гротеволь, ҳамма тинчлик тарафдорлари олдига бирлашган демократик Германияни тузиш учун олиб борилаётган курашга ўсталик блан яхши раҳбарлик қилиш вазифасини кўндаланг қилиб қўяди. Биз ана шунинг учун Германия демократик республикасини ва муваққат ҳукуматни тузидик. Ғарбий давлатларнинг Германия масаласида тутган сиёсати натижасида ҳамон кучая борган янги уруш хавфи янги йилда халқимизнинг прогрессив доираларини миллий мустақиллиқ сиёсатини амалга ошириш учун курашга отлантириши керак. Демократик Германия миллий фронтни кучайтириш учун имконият бўлган ҳамма жойда мустаҳкам миллий фронт ташкилоти тузилиши ва бирлашган ҳаракат кучайтириб юборилиши керак. Империализм немис халқини икки жаҳон урушига олиб келди. Бу ҳол учинчи марта такрорланмаслиги керак. Шу сабабли ҳамма прогрессив кучлар халқимизнинг демократик руҳда тинч яшаши учун асос бўлган негизни мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқлари керак.

Германия демократик республикасининг тузилиши прогрессив кучларнинг продасини акс этдиради. Бу прогрессив кучлар халқимизнинг сулҳпарвар демократик давлат қуриш йўлидаги ҳаракатига тўсқинлик қилишини ера истамайдилар. Германия демократик республикасининг ҳукумати Германияннинг бирлигини тиклаш ва тинчликни сақлаш учун мумкин бўлган ҳамма чорани кўради. Германияни янада кўпроқ парчаласга ва инсониятни янги уруш гирдобига ташлашга интилаётган кучларга қарши муросасиз кураш олиб борамиз. Биз бу курашнинг Ғарбий Германияда ва Ғарбий Берлинда ҳам муваффақият қозонишига ишонамиз, чунки бизнинг мақсадимиз халқимизнинг қаётий манфаатларига ва умум инсоннят тараққиёти принципларига мос келади. Бизнинг мақсадларимиз иттифоқчи давлатларнинг Потсдам битимида ифода қилинган мақсадларига ҳам мос келади. Биз сулҳпарвар Германияни тузишни ва барча сулҳпарвар халқлар блан дўстона муносабат ўрнатишни истаймиз.

Биз ўз олдимизга ана шу мақсадларни қўйиб, Совет Иттифоқи раҳбарлик қилаётган кучли тинчлик ҳаракатига қўшилдик. Бу ҳаракат асримизнинг иккинчи ярмига ҳам ўз та'сирини кўрсатади. Тинчлик фронти ғаччаллик блан кучая борив, империалистларнинг уруш планларини барбод қилади ва халқларни мустамлака ҳамда империалистик эксплоатациядан озод қилади. Немис халқи тушуниши керакки, Совет Иттифоқи блан, халқ демократияси мамлакатлари блан ва барча сулҳпарвар халқлар блан дўст бўлиш бизнинг сиёсий ҳаракатимизда энг муҳим принципдир. Сулҳпарвар миллатлар блан дўстона ҳамкорлик қилиш немис халқига давомли тинч қурилиш ишларини олиб бориш имкониятини беради ва турмуш шароитимизни яхшилайди.

Ўтган йил, деди сўнгра Гротеволь, икки йиллик план туфайли қурилиш ишларимиз тезлашганлигини кўрсатди. Биз 1949 йилда олға қараб катта қадам ташладик. Хўжаликни планли ривожлантириш ўз самараларини бермоқда. Капиталистик эксплоатация йўқотилган ҳамма ерда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари меҳнатга янгича муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Анча яхшиланган, лекин ҳали ҳам ҳайла оғир бўлган шароитда ишчилар, зиёлилар ва меҳнаткаш деҳқонлар катта муваффақиятларга эришдилар.

1950 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини норма блан бериш бекор қилинади. Бундан фақат гўшт ва ёғ мустаснодир, деди Гротеволь. Бу эса биздан янада ғайрат блан ишлашни талаб қилади, токи қишлоқ хўжалиги аҳолининг талабини қондириш учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулоти етиштириб бераолсин.

Гротеволь немис халқининг тараққиёлпарвар кучларини бирлашиб ҳаракат қилишга чақирди. Сулҳпарвар Германияни тузиш ва халқимизнинг турмушини яхшилаш учун курашаётган ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, фан арбобларининг ва халқ орасидаги бошқа табақаларнинг кучларини бирлаштириш ҳозирги вақтда кечиктиришмайдиган энг муҳим вазифадир, деди Гротеволь.

«Немис халқи, — деб ёзади ўз мақоласининг охирида Гротеволь, — қаттиқ кураш натижасидагина бирлашган Германияни тузиши мумкин. Шу сабабли биз Миллий фронтни қудратли ҳаракатга айлантиришимиз, бу ҳаракатни бутун Германияга ёйишимиз керак. Миллий фронт сулҳпарвар бирлашган Германияни тузишга қарши чиқаётган душманлар блан қаттиқ кураш олиб борада. Хароб бўлган немис шаҳар ва қишлоқлари, уй-жойлар ва саноат корхоналари немис халқининг умумий кучи блангина тикланиши, ҳамма софдил немис ватанпарварлари тинчлик душманларига қарши уюшиб, бир ёқадан бош чиқариб курашган тақдирлагина демократик Германия бирлаштирилиши мумкин».

Шимолий Атлантик аҳди — агрессия аҳдидир

ОСЛО, 4 январь. (ТАСС). Норвегияда чиқадиган «Арбей дербладет» газетасининг Лондон мухбири хабар беради: Шимолий Атлантик аҳдида қатнашучи мамлакатлар яқинда стратегик «мудофаа» плани деб аталган планни қабул қиладилар.

Мухбирнинг хабаридан ма'лум бўлишича, бу стратегик план Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қарши агрессияни асос қилиб олади.

«Ёлғиз мудофаа қилишни кўзда тутиш ярамайди, — деб ёзади мухбир, — ҳужум қилиш — мудофаанинг энг яхши усули, деган принципга амал қилиш керак». Мухбир мазкур стратегик планнинг характерини ана шундай белгилаб, шу блан унинг тажовузкорликдан иборат план эканлигини бўртдириб кўрсатади.

Вильгельм Пик 74 ёшга тўлган кунга бағишланган тантанали мажлис

БЕРЛИН, 4 январь. (ТАСС). Кеча Берлинда Фридрихштатдт-Паласт биносида демократик партиялар иттифоқи вакилларининг тантанали мажлиси бўлди. Мажлисда Германия демократик республикаси ҳукуматининг вакиллари, оммавий-сиёсий ташкилотларнинг вакиллари, республика ва Берлин шаҳар демократик жамоатчилиги кенг доираларининг вакиллари қатнашдилар. Тантанали мажлис Германия демократик республикаси президенти Вильгельм Пик 74 ёшга тўлган кунга бағишланган эди.

Марказий ложада пайдо бўлган Вильгельм Пикни мажлис аҳли гулдурос қарсак чалиб қарши олди.

Ғарбий Германия компартиясининг ложада ўтирган раиси Макс Рейман ҳам самимий кутиб олинди.

Тантанали мажлисда Берлин обер-бургомистри Эберт, христиан-демократлар партияси Бош правлениесининг раиси Отто Нушке, либерал-демократлар партиясининг раиси Хаман, Национал-демократлар партияси Марказий правлениесининг раиси Гольц, Демократик деҳқонлар партияси Бош правлениесининг раиси Гольденбаум ва озод немис касаба союзлари бирлашмаси Марказий правлениесининг вакили табрик нутқи сўзладилар.

Германия Бирлашган социалистлар партиясининг Марказий правлениеси номидан Вильгельм Пикни Германия бирлашган социалистлар партияси Сиёсий бюросининг а'зоси Вальтер Ульбрихт табриклади.

Вильгельм Пикка сиҳат-саломатлик ва Тинчлик учун, Германиянинг бирлиги учун, Совет Иттифоқи блан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун курашда муваффақиятлар истаб изҳор қилинган табрик сўзларини мажлис аҳли узоқ давом этган гулдурос қарсаклар блан қарши олди.

Тантанали мажлисда СССР нинг Германия демократик республикасидаги дипломатия миссиясининг бошлиғи элчи Пушкин, халқ демократияси дипломатия миссияларининг а'золари ҳам ҳозир бўлдилар.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати блан гоминданчилар ўртасида махфий битим

ПЕКИН, 3 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Америка ҳукумати блан гоминданчилар ўртасида Тайванда (Формозо) махфий битим тузилган. Бу ҳол Америка ҳукумати гоминданнинг қолган-қутган қисмларига Халқ-озодлик армиясига қаршилиқ кўрсатишда бундан буён ҳам ёрдам кўрсатишга, шунингдек Тайванни Хитой қит'асига бостириб кириш ҳамда Осиё халқларига қарши кураш олиб бориш учун стратегия базасига айлантиришга қарор қилганлигини кўрсатади.

Бу махфий битимда гоминданнинг қолган-қутган қисмларига Қўшма Штатлар томонидан 16 та ҳарбий кема, бешта дивизия учун қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳа, радар асбоблари, аэропланлар учун запас қисмлар ва ремонт ишлари учун зарур ҳархил асбоб-ускуналар етказиб бериш, Америка пули блан 90 миллион доллар ҳисобланган қарзнинг қолган қисмини бериш, Хитойга ёрдам кўрсатиш ниқоби остида Америка Қўшма Штатлари конгресси томонидан 75 миллион доллар маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Гоминданнинг қолган-қутган қисмлари қуйидаги шартларни бажаришлари, чунончи: «Тайван «ҳукуматини» қайтадан тузишлари ва америкаликлар тавсия этган У Го-чэнни ва Сунь Ли-женьни сиёсий ва ҳарбий ишларга раҳбар қилиб тайинлашлари; Тайванда Америка ҳукуматининг ҳарбий миссияси туришига рухсат беришлари керак. Бу ҳарбий миссиянинг маслаҳатчилари «ҳукумат»нинг турли органларини назорат қилиб турадилар ва Тайвандаги ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ишларга тўла раҳбарлик қиладилар.

Агар гоминданга шу тарада ёрдам кўрсатилган тақдирда ҳам Халқ-озодлик армиясининг ҳужумини тўхтатиш мумкин бўлмаса, Америка империалистлари Тайванни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти васийлигига топшириш баҳонаси остида бу оролни оккупация қиладилар.

Гоминдан блан Қўшма Штатлар ҳукумати ўртасидаги бу битимни Чан Кай-шининг ишончли вакили—гестапо бошлиғи Чжень Кай-мин ноябрь ойининг ўрталарида Америкага қилган сафари вақтида тузган. Бу битимнинг конкрет шартлари кейинчалик гоминдан «шарқи-жанубий ҳарбий ва ма'муриий штаби» сиёсий кенгаши раисининг ўринбосари Ю Да-вэй томонидан Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқилган.

Ведемейернинг таклифи баҳонаси блан Қўшма Штатларга борган Чжень Кайминя Америкада икки ҳафта бўлган. Гоминданчи Сентрал Ньюс агентлигининг 30 ноябрьда Тайвэйдан берган хабарига кўра, Чжень Кай-мин «Ведемейер блан ва бошқа юқори мансабли офицерлар блан учрашган». Ма'лумки, Чжень Кай-минни Америкадаги агрессив планларни тузган Жорж Маршалл ҳам қабул қилган эди. Чжень Кай-мин Қўшма Штатлардан қайтиб келганидан кейин 7 декабрьда Тайвэйда Хитойга ёрдам бериш учун Қўшма Штатлар конгресси томонидан бундан бирмунча вақт илгари ажратилган 75 миллион доллар маблағдан фойдаланиш муддати белгиланди, деб очиқдан-очиқ айтди. Орадан беш кун ўтгач, 12 декабрьда, гоминданчиларнинг Сентрал Ньюс агентлиги Тайвэйдан Ассошиэйтед Пресс агентлигининг шошилинч хабарини билдирди. Бу хабарда қуйидагилар айтилган эди: Қўшма Штатлар Чан Кай-шига Тайван оролидан туриб қит'адаги хитой коммунистларига қарши ҳужум бошлаш учун иқтисодий ва дипломатик ёрдам кўрсатишга қарор берди, Чан Кай-шига узлуксиз равишда ҳарбий ёрдам бериб турилади, Тайван оролидаги иқтисодий ҳамкорлик ма'муриятнинг ваколатхонаси аввалги вазифасини давом этдиради. 13 декабрьда, Ассошиэйтед Пресс агентлигининг бу хабари э'лон қилингандан кейин эртаси куни, Ю Де-вэй Тайвандаги Гонконг орқали гоминдан ҳузуридаги Америка иқтисодий ҳамкорлик ма'муриятининг бош вакили ва Тайвандаги Америка бош консули блан бирга Қўшма Штатларга жўнаб кетди.

Қўшма Штатлар блан гоминданчилар бу махфий битимни зўр бериб амалга ошираётирлар. 15 декабрьда У Го-чэн Тайваннинг гоминдан губернатори қилиб, Сунь Ли-жень эса гоминдан қўшинлари қўмондонининг ўринбосари ва Шарқи-Жанубий Хитойдаги ма'мурият бошлиғининг ўринбосари қилиб тайинланди. Бундан ташқари, Сунь Ли-женьга Тайванни мудофаа қилишга раҳбарлик этиш вазифаси топширилди. У Го-чэн Тайван губернатори қилиб тайинланганидан кейин даставвал Тайвандаги Америка бирлашган комиссиясига мактуб юборди. Бу комиссия илгари Хитойга ёрдам бериш учун ажратилган Америка маблағларининг қолган қисмидан фойдаланиш мақсадида тузилган. У Го-чэн ўз мактубида мазкур пулнинг 10,5 миллион долларидан 1950 йил 15 февральгача фойдаланишни сўради. Чет эл агентликларининг 29 декабрьда берган хабарларига қараганда Тайваннинг бош шаҳри бўлган Тайбэйга Америка армиясининг 32 офицери ва Америка граждан ходимлари келган. Бундан ташқари, Ченнолт граждан авиатранспорт компанияси 27 декабрьдан кейин Тайвэйга Америкадан қумуш тангалар жўнатган. Сентрал Ньюс агентлигининг 28 декабрьдаги хабарига кўра, бу қумуш тангалар 5 мингдан кўпроқ яшикка солинган. Бу пулнинг умумий миқдори қариб 20 миллион долларни ташкил қилади.

Америка Қўшма Штатлари информация бўлимининг хабарига кўра, Тайваннинг жанубий қисмига 250 та америка танки ва бошқа қурол-яроғ жўнатилган. 29 декабрьда Америка Қўшма Штатлари денгиз министрлиги еттинчи Америка флотини кучайтириш учун Осиё сувларига 27 минг тонна ҳажмли аванос ва 2 эсминс юборажагини очиқдан-очиқ айтди. Денгиз министрлиги 7-нчи флот истаган вақтда Америка Қўшма Штатлари сиёсатини қувватлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган ва Тинч океандаги кучларни стабильлаштираоладиган оператив қўшилмани ташкил қилади, деб билдирди.

Мана бу фактларнинг ҳаммаси Америка ҳукуматининг империалистик ниятларини фош қилади. Америка ҳукумати хитой халқига қарши курашда гоминданнинг қолган-қутган қисмларига ёрдам беришни давом этдиришга қаттиқ қарор қилган.

Америка Қўшма Штатлари Окинавада катта ҳарбий база қурмоқда

ШАНХАЙ, 4 январь. (ТАСС). Токиодан олинган хабарларга қараганда, Окинава оролини Узоқ Шарқда Американинг энг йирик ҳарбий базасига айлантириш мақсадида Макартур штаби Окинава оролидаги ҳарбий қурилиш ишлари программасини тезроқ амалга ошириш учун Америка инженерларини ва ма'мурий ходимларни ишга қабул қила бошлаган.

Хабарларга қараганда, Окинавадаги янги Америка қўмондони генерал-майор Шистга қурилиш ишлари учун 58 миллион доллар маблағ ажратилган. Яқин орада яна 30 миллион доллар маблағ берилади.

Англия қуролли кучлари сафида қочоқлик

ЛОНДОН, 4 январь. (ТАСС). «Дейли геральд» газетасининг хабарига қараганда, ҳозирги вақтда Ирландия республикасида инглиз қуролли кучларидан қочган 10.500 киши бор.

Италия, Франция ва Бельгияда инглиз қуролли кучлари сафидан қочган камида 1.000 қочоқ яшайди. Англияда қолган қочоқлар сони қариб 8 минг кишини ташкил қилади. Булар орасида хотин-қизлар ҳам бор.

Газетанинг ёзишича, ҳозирги вақтда инглиз қуролли кучлари сафидан йилига ўрта ҳисоб блан 2.000 га яқин киши қочиб кетмоқда.

Эрон офицерлари Англияда та'лим олмоқдалар

ТЕҲРОН, 4 январь. (ТАСС). Эрон авиациясининг офицерлари ва унтер-офицерлари 40 киши Англияга учиб кетди. Улар Англияда анча узоқ вақт ҳарбий та'лим оладилар.

«Эттилоат» газетасининг хабарига қараганда, шу мақсадда яқин фурсат ичида яна 29 офицер ва унтер-офицер Англияга юборилади.

Англияга жўнаб кетучиларни яқинда Англияга қилган узоқ сафаридан қайтиб келган Эрон ҳарбий министри Аҳмадий ва Эрон армияси бош штабининг бошлиғи Размара қабул қилдилар.

Жаҳон биринчилиги учун шахматчи хотин-қизлар мусобақаси

4 январьда 7-нчи ва 8-нчи давраларда тамом бўлмай қолган ўйинлар ўйналди.

Карфф (Америка Қўшма Штатлари) Рубцова (СССР) блан бўлган ўйинида курашни давом этдирмай, енгилганлигига иқрор бўлди.

Бикова (СССР) кечиктирилган икки ўйинда ҳам ғалаба қозонди. У Шоде де Силанни (Франция) ва Грессерни (Америка Қўшма Штатлари) ютди.

Грушкова-Бельска (Чехословакия) ҳам кечиктирилган икки ўйинда ғалаба қозонди. У Ларсенни (Дания) ва Лангошни (Венгрия) ютди.

Мора (Куба) Грессер (Америка Қўшма Штатлари) блан бўлган ўйини охирида жуда ўсталик блан ўйнаб, ғалаба қозонди.

Германова (Польша) блан Хеемскерк (Голландия) ўртасидаги ўйин қизғин курашдан кейин дуранг бўлди.

Шоде де Силан сўнгги атакани ўсталик блан давом этдириб, Келлерни (Германия демократик республикаси) ютди.

Саккиз давралан кейин аҳвол қуйидагича: Рубцова 8 ўйиндан 6 ютуққа, Белова, Руденко ва Шоде де Силанларнинг ҳаррбири 5,5 тадан ютуққа, Хеемскерк 5 ютуққа, Бикова 4,5 ютуққа, Бенини, Грессер, Грушкова-Бельска, Келлер ва Мораларнинг ҳаррбири 4 тадан ютуққа, Треннер 3,5 ютуққа, Лангош 3 ютуққа, Карфф 2,5 ютуққа, Германова 2 ютуққа ва Ларсен 1 ютуққа эга.

5 январьда 9-нчи давра ўйналади. Бу даврада Белова блан Рубцова, Треннер блан Руденко, Хеемскерк блан Шоде де Силан, Келлер блан Грессер ва Бикова блан Мора ўртасидаги ўйинлар анча қизиқарли бўлади. (ТАСС).

БИЛДИРИШ

7 январь кеч соат 7 да, шаҳар партия кабинетида марксизм-ленинизм асослари, фалсафа ва сиёсий-иқтисод кафедраларининг профессор-ўқитувчилари семинарининг навбатдаги машғулоти ўтказилади. Семинарда **«Узбекистон саноати 25 йил ичида»** деган темада доклад бўлади. Докладчи доцент **К. Н. Бедринцев.**

Мас'ул муҳаррир: Ш. РАШИДОВ.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да янги рангдор фильм **XXXII Октябрь**, кундуз соат 3 ва кеч 5 да **Тақиқланган қўшиқлар**, кеч соат 7, 9 ва 10 яримда **Хинди мақбараси** (2-нчи серия).

«ИСКРА» — 1-нчи ва 2-нчи залда **Сталинград жангги** (2-нчи серия), 3-нчи залда **Сирли орол.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Жаҳон ёшлари**, кечқурун **Тақиқланган қўшиқлар.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Гаврош**, кечқурун **Тақиқланган қўшиқлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуровнинг** иштироки блан ҳар куни **катта цирк тамошалари.**

Қишки каникул кунлари — 10 январьгача арча **байрами ўйинлари** бўлади. 6, 7, 9, 10 январьда тамошалар кундуз соат 3 ва кеч 9 да, 8 январьда тамошалар кундуз соат 12 ва 3, кеч 6 ва 9 да бошланади.

механиклар, бухгалтерлар, экономистлар, газ ва электр блан сварка қилучилар, слесарьлар, электриклар ва сантехниклар

КЕРАК

Иш ҳақи ўзаро келишилади. Ишланган ҳар 6 ой учун 10 процент миқдорида, ба'зи районларда 25 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Ленинобод шаҳар, Максим Горький кўчаси, 300-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

Республика кинотеатрларида кўрсатиш учун ўзбек тилига олинган қуйидаги фильмларни чиқаради:

Сталинград жангги

(1-нчи серия)

Сценария автори — Сталин мукофоти лауреати **Н. Вирта.**

Режиссёр — Сталин мукофоти лауреати **В. Петров.**

Ўзбек тилига олишда режиссёр — **Б. Ҳайдаров.**

Фильмни Ленин орденли «Мосфильм» киностудияси ишлаган

Константин Заслонов

Сценария автори — **А. Мавзон.**

Режиссёрлар — Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган артист **А. Файнциммер**, Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **В. Корш-Саблин.**

Фильмни «Белорусфильм» киностудияси ишлаган.

Бу фильмлар Тошкентдаги бадиий ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида ўзбек тилига олинган.

«Главкинопрокат» чиқарган.

«ЎЗКОНСЕРВТРЕСТ»ГА

озиқ-овқат ва консерва саноатининг технолог инженерлари, химиклар, микробиологлар, механик инженерлар ва технормирования инженерлари

КЕРАК

Жуковский кўчаси, 7-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

1950 йилда ДАВЛАТ ЗАЕМЛАРИНИНГ ЮТУҚ ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ПЛАНИ

**1948